

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР
БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ

“ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ” ТЎГАРАГИ ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ



Тошкент-2013

Муаллиф: **М.Жўраева** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази маданий оммавий ишлар ташкилотчиси

Ё.Қаюмова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Ахборот ресурс мутахассиси

Такризчи: **Н. Шомансурова** – “Баркамол авлод ”Республика болалар бадий ижодиёт маркази директор ўринбосари

С.Қосимова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази мониторинг ишлари бўйича мутахассиси

З.Қодирова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази мониторинг ишлари бўйича мутахассиси

Ушбу қўлланма Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 3 сентябрдаги 259-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Қўғирчоқ театри” тўғараги ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Мазкур қўлланма “Баркамол авлод” болалар марказлари, таълим муассасалари, меҳрибонлик уйлари ва маҳаллалар қошида ташкил этилган “Қўғирчоқ театри” тўғарак раҳбарлари учун тавсия қилинади

Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий ишлар” йўналишидаги Илмий методик кенгашнинг 2013 йил 13 августдаги навбатдан ташқари 6-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

“Кўғирчоқ театри” тўғарагининг биринчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси.

1. Кириш.

Томоша санъатлари ичида энг мўъжизакор, энг сирли ва энг қувноқ санъат бу кўғирчоқ театри санъатидир. Бунда ҳар бир буюм, ҳар бир асар, ҳар бир ҳаракат фақат болалар -ёш томошабинларнинг мириқиб ҳордиқ чиқариш-лари учун хизмат қилади. Унинг ёзма матни бўлмаган. У узоқ йиллар кузатиш, машқ қилиш, ёдлаш, малака ҳосил қилиш орқали муайян сюжетлар, восита ва услублар билан, устоздан шогирдга, отадан ўғилга, авлоддан-авлодга ўтган. Кўғирчоқбозлар айни вақтда мусикадан яхши хабардор бўлганлар.

Ўзбек тилида “ўйин” сўзидан маъноси кўп сўз бўлмаса керак. Артистнинг маҳорати, ҳаракати, техникаси билан сахнавий томоша шаклида юзага келадиган масхарабозлик, рақс, найрангбозлик, дорбозлик, чавандозлик, айиқ, эчки, илон ўйнатиш, ёғоч оёқ томошалари – кўйинки, халқ театри, рақс ва цирк санъатининг барча кўринишлари бир сўз билан “ўйин” деб, мазкур санъатнинг намоёндалари эса “ўйинчи” деб юритилган. Худди шунинг каби халқ профессионал кўғирчоқ театри – кўғирчоқбозлик ҳам “кўғирчоқ ўйин” деб, кўғирчоқбоз “ўйинчи” деб аталган. Бунда “ўйин” сўзи истеъдод ва моҳирлик билан этилган томоша, санъат, ижрочилик маъносини беради.

Шундай қилиб, халқ профессионал кўғирчоқ театри кўғирчоқ ўйин ёки кўғирчоқбозлик деб аталган.

Кўғирчоқ ўйин билан халқ профессионал театри-масхарабозлик ўртасида кўпгина умумийлик мавжуд. Масхарабозлар ўз томошаларида ниқоб ишлатганларида гўё кўғирчоққа айланганлар, чунки гоҳ қотиб, гоҳ жонланиб турувчи сахнавий кўғирчоқлар воситаларини ишга солишга мажбур бўлишган. Шу ўринда машҳур рус кўғирчоқбози Е.В.Сперанскийнинг қуйидаги сўзларини эслаб ўтиш жоиздир: “Оддийгина карнавал ниқобини кийган одам-ярим кўғирчоқ дегандай гап. Агар бунинг устида у актёр бўлса, кўғирчоқбозга айланади, чунки у жонсиз ниқобни жонлантиришга ҳаракат қилар экан, “кўғирчоқ усули” билан яхшироқ ўйнайди”¹. Масхарабозлар ниқобсиз ўйнаган пайтларида ҳам кўғирчоқ театрида яқин турганлар. Шартлилик, бадиҳа, тазод, ҳажвийлик, томошавийлик каби ижодий тамойиллар иккала театрға ҳам баробар тааллуқлидир. Қаҳрамонларидан бири кўғирчоқ бўлган спектаклларни намоёйиш қилганларида эса масхарабозлар ҳам кўғирчоқбоз, ҳам корфармон вазифасини бажариб, ўзига хос кўғирчоқ томошасини майдонга келтирганлар. Келиб чиқиши, меҳнат ва турмуш шароитини, уста-шогирд муносабатлари, жамиятдга тутган ўрни, вазифа ва муддаолари, майл ва интилишлари билан ҳам масхарабозлар ва кўғирчоқбозлар қондош, ҳамкору ҳамдўст бўлишган. Шу сабабдан осонгина масхарабоз кўғирчоқбозга корфармонлик қилиб, кўғирчоқбоз масхарабозларнинг томошаларига араллашиб кетаверганлар.

Аммо бу билан биз масхарабозлар театри билан кўғирчоқбозлар театри бир санъат демоқчи эмасмиз. Улар ўртасида зикр қилинган яқинлик ва

¹ Сперанский Е. Актёр театра кукол. М., ВТО, 1965, с.73.

муштаракликлар билан бир қаторда жиддий специфик айирмалар борлигини унутмаслик керак.

Қўғирчоқ театри спецификасини белгиловчи асосий фарқ шундан иборатки, агар бошқа театрларга қахрамонлар қиёфасида актёрларнинг ўзлари кўринса, бунда ижрочилар томошабинларга пинҳон қолгани ҳолда қўғирчоқ-персонажлар намоён бўлади. Оламда қўғирчоқбоздай камтарин, инсофли, одамшинаванда артист бўлмаса керак. Зотан, у ўз қадди-қомати, актёрлик маҳоратини бевосита намоёниш этишдан маҳрум. Бутун қобилияти, билими, ҳатто ҳусни-латофатини қўғирчоққа бағишлайди. Лекин шу нарсани ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, қўғирчоқбоз бир томондан ўзлигини тўла кўрсатолмай жабрланса, иккинчи томондан, драматик актёрга нисбатан бир қанча афзаллик ва имтиёзларга эгадир. Қўғирчоқ театри бўй, қадди-қомат, ёш, жисмоний камчиликнинг аҳамияти бўлмагани сабабли бунда қобилияти тўғри келса ёши ўтган актриса, қизча ролини роҳат қилиб ўйнайверади; ориқ ижрочи семиз қўғирчоқ-персонажини, пакана-алп қоматни, қиз-чолни, бола-кампирни бемалол олиб чиқаверади. Қўғирчоқ театрининг шарти шу: хоҳлаган ролингни ўйнайвер, истеъдодинг, маҳоратинг, ижодий ҳароратинг ва шавқинг бўлса бас. Иккитагина қўғирчоқбоз муваффақият билан кўп персонажли катта бир спектаклни намоёниш қилиши мумкин.

Дарҳақиқат, қўғирчоқ театри ажойиб ва ғаройиб таъсирли санъат. Унинг жозибadorлиги ва қандайдир содда гўзаллиги “мўъжизали” табиатга эга бўлишидандир.

Ҳа, қўғирчоқбозлик-мўъжизали театр. Жонсиз оддий қўғирчоқлар воситасида инсон ҳаёти, муносабатлари, ахлоқи, одати кўринишларини бадиий ҳаққоний ва жозибали қилиб намоёниш этиш мўъжиза эмасми, ахир! Қўғирчоқбоз-мўъжизакор. У қўғирчоқларни ҳаракатга келтириб, уларга ҳаёт бағишлайди, одамларга қанчадан-қанча маънавий озиқ ва куч-қувват беради. Бошқа пайтда оддий болалар ўйинчоғидан кам фарқ қиладиган қўғирчоқ қўғирчоқбоз қўлига қўнгач, жонланади, ақл пайдо қилади, росмана инсоний ҳаёт билан яшай бошлайди: кулади, йиғлайди, изтироб чекади, уришади, жанг қилади, ўйнайди, куйлайди, найранг кўрсатади ва ҳоказо. Мана шу митти артистлар ҳаёт ва инсон жумбоқлари устида бош қотиради, севги ва садоқат, дўстлик ва мурувват, ростгўйлик ҳақида ҳикоя қилади. Кўз олдингизда ана шу мўъжиза содир бўлади. У сизни сеҳрлайди, сиз ростакам одамлар ҳаракат қилаётгандай томошага берилиб кетасиз, воқеага ишонасиз, хайратланасиз, лол бўласиз. Аммо бу-ғайритабиий бир куч ҳосил этган каромат эмас, қўғирчоқбоз маҳорати, истеъдод маҳсули, санъат сеҳридир.

Тарихга назар.

Қўғирчоқ театри жаҳондаги кўп халқларга қадим замонлардан буён қадрдон. У жамиятнинг тараққиётида муҳим рол ўйнаб келган. Башарият маданиятнинг буюк намоёндалари Сервантес, Гёте, Лессинг, Диккенс, Свифт, Лессаж, Гайден, Глюк, Тагор, Лорка, Фичик ва Нозим Ҳикмат кабиларнинг бу санъатга юксак баҳо бериб, катта эътибор билан қараканликлари ҳам шундан далолат беради. Лекин ҳар жойда ҳар хил шакл тараққий этган, турли ҳажмдаги

сахнавий кўғирчоқлар русум бўлган. Бир хил кўғирчоқлар бир ярим-икки қарич бўлса, баъзилари одам баробар келади. Айрим кўғирчоқлар кўлқопдек кўлга кийиб ўйналса, айримлари иплар билан юқоридан бошқарилган. Кўп мамлакатлар кўғирчоқни ўйнатувчи киши кўринмайди. Японларда эса томошабинларга кўринган ҳолда бир кўғирчоқни уч киши бошқаради. Шундай бўлса-да, кўғирчоқ театрининг дунёда танилган тўрт турини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин булар: кўлга кийиб ўйнатиладиган, ип билан бошқариладиган, сояси тушадиган ва актёри кўринадиган кўғирчоқ томошаларидир. Ўзбек халқи, аجدодларимиз бу турларнинг барчасидан хабардор бўлганлар.



Кўлга кийиб ўйнатиладиган кўғирчоқлар.



Ип билан бошқариладиган кўғирчоқ.



Сояси тушадиган ва актёри кўринадиган кўғирчоқлар.

Ўрта Осиёни араблар томонидан истило этилиши (VII асрнинг биринчи ярми) санъатнинг тушкунликка юз тутишига олиб келди. Ҳар қандай тасвир (сурат, ҳайкал, қўғирчоқ) тақиқланди, тасвирий санъат ва ҳайкалтарошлик-нинг ноёб асарлари билан тўлиб-тошган қасрлар, кошоналарни ер билан яксон қилинди. Натижада рассомлик қўлёзма китоблар орасига кириб кетади, ниқобдорлар театридаги қўғирчоқлар кичрайиб масҳарабоз-қўғирчоқбоз қўлида қўнади. Халқнинг ақл-заковати, истеъдоди енгиб чиқади. Санъат ўлмайди, у янги тарихий-ижтимоий шароитларга мослашган ҳолда яшашда давом этади. Бошқа санъатлар каби қўғирчоқ театри ҳам яшаш учун курашади.

Қўғирчоқ театри IX-XII асрларда нисбатан мўътадил ривожланиб, санъатнинг бошқа турлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаган деб ўйлаймиз. Буюк шоир ва олим Умар Ҳайёмнинг (1040-1123) қуйидаги машҳур рубойи ҳам Эрон, ҳам Хуросон, ҳам Мовароуннаҳр қўғирчоқ театрига баробар тааллуқли бўлиб, фикримизни бирмунча тасдиқлайди. Чунки у Балх, Самарқанд ва Бухорода ўқиган, Мовароуннаҳрни неча бор кезиб чиққан бўлиб, маҳаллий халқларнинг санъатини билган. Мана ўша рубой:

Бизлар қўғирчоғу фалак қўғирчоқбоз,
Бу сўзим чин сўздир, эмасдир мажоз.
Йўқлик сандиғига бир-бир тушамиз,
Вужуд палосида ўйнагач бироз.¹

Аммо мўғиллар истилоси, бошқа соҳаларда бўлгани каби, қўғирчоқ театри тараққиётига ҳам кучли зарба бўлиб тушди. У жуда ожиз ҳолда бўлган, ғоявий-бадий тушкунликка учраган. Лекин XIV аср бошидан унда кескин жонланиш юз берган. Ундаги мифологик сюжетлар ва афсонавий қаҳрамонлар ўрнини ҳаётий воқеалар ва шахсларнинг қиёфаси эгаллай борган. Шу тарзда қўғирчоқ театри фош этувчи сатирик қиёфага кира бошлаган.

Хусусан, оламшумул мутафаккирлар, олимлар, шоирлар, меъморлар, рассомлар, наққошлар, машшоқлар, ҳофизлар, раққосларни майдонга чиқариб, ўзбек маданиятининг юксакларга кўтарган. Амир Темур ва темурийлар даврида (XIV асрнинг иккинчи ярми - XV аср бошлари) санъатнинг бўлак турлари қаторида қўғирчоқ театри ҳам катта муваффақиятларга эришади. Миллий ифтихоримиз, маданиятимизнинг бобокалони ҳазрат Алишер Навоий ва у билан бир даврда яшаган алломаларнинг рисоаларни, асарларини ўқир эканмиз, биз бунга ишонч ҳосил қиламиз. Хусусан, Навоий ўз замонасидаги айрим ҳодисалар ҳақида, ахлоқ, одоб, тарбия, хулқ-атвор, одамгарчилик, яхшилик тўғрисида фикр юритар экан, баъзан санъат оламидан олинган ажойиб ўхшатишлар ишлатадики, улар санъатшунос қўлига тушгач, бебаҳо материалга айланади. Навоий маълумотларига таянган ҳолда XV-XVI асрларда қўғирчоқ театрининг қандай кўринишлари мавжуд бўлганлигини ҳам кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Навоий ўзининг мисраларида ўзбек қўғирчоқ театрининг “Чодир хаёл” ва “Чодир жамол” деган икки турини эслаганга

¹ Умар Ҳайём. Рубойилар. Т., Ўз адабий нашр, 1960, 24-б. (Ш.Шомухамедов таржимаси).

ўхшайди. “Давра этиб чодирининг пайкарин” деган гап қўлга кийгизиб ўйнатиладиган айлана шаклида бўлади. Аммо унда ҳар дафа иккитадан қўғирчоқ чиқарилган. Демак, бир вақтнинг ўзида ўнлаб қўғирчоқ чиқариб, “чилвагарлар анжумани”ни кўрсатиш тўғрисидаги гап “Чодир хаёл”га тегишли. Чунки фақат шунда кўплаб қўғирчоқ ўйнатиш ва катта воқеани кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, “Ҳайрат-ул аброр” достонининг тўртинчи мақоласидаги қуйидаги матлаъ ҳам шу масала юзасидан диққатимизни тортади:

Ҳарза хаёлот ила хол айлабон,
Даврни фонус хаёл айлабон.²

Шайхларни танқид қилувчи ушбу байтнинг биз учун қимматли томони шундаки, унда қўғирчоқ театрининг бизгача етиб келмаган, бироқ XIV-XVI асрларда яхши танилган тури ҳақида маълумот берилади. Бу тур “Фонус хаёл”, яъни фонус ёруғида томоша, соя театридир. У хусусан XV асрда такомиллашган ва яхши танилган деб ўйлаймиз. Акс ҳолда унга Навоийнинг назари тушмаган ва у махсус атамага эга бўлмаган бўлур эди. Аммо фонус хаёл халқ оммаси орасида “Чодир хаёл”чалик шуҳрат топмаган, бора-бора умуман эътибордан тушиб қолган. Бунга сабаб шуки, у кўпроқ саройларда қарор топган ва киборларнинг эрмак томошасига айланган эди. Фонус хаёл бизнинг давримизгача етиб келмаганига ҳам бирдан бир сабаб ана шу.

Аммо, афсуски Навоий замонида маҳорат чўққисини эгаллаган, мазмунан ўткирлашган қўғирчоқ театри кейинги асрларда яхши ривожланмаган, турғунликка учраган. Зотан мамлакат уч хонликка бўлиниб кетиб, унда кучайиб кетган ўзаро низолар, тахт талашлар, қирғинбарот урушлар, халқ санъатининг ривожига тўсиқлик қилган, путур етказган. XVI-XVII асрларда қўғирчоқ театрининг қўлга кийиб ва иплар воситаси билан ўйнатиладиган турлари фаол иш кўрган. Аммо “Фонус хаёл” тури ҳам, онда-сонда бўлсада кўрсатилган.

Бобораҳим Машрабнинг (1657-1711) қуйидаги сатрлари бу фикрни тасдиқлайди:

Юзига парда тутиб шам уза фонус каби,
Юз туман зуҳд элини айлади саргардон қиз.³

XVIII асрда қўғирчоқ театрида биров жонланиш юз берган. Айниқса, XIX аср бошидан унинг сатирик тиғи ўткирлашиб, воқеликни акс эттириш борасида жиддий муваффақият қозонган ва ижтимоий ҳаётдан тобора салмоқлироқ ўрин эгаллай борган.

² Алишер Навоий. Асарлар. Т.6., Ҳайратул-аброр. Т., 1965 й, 62-б.

³ Машраб. Танланган асарлар. Т., 1963, 46-б



Чодир хаёл.

XVIII - XIX асрларда ва XX аср бошида ўзбек қўғирчоқ театри икки турдан иборат бўлган. 1906-йилда бу тўғрида П.А.Комаров шундай деб ёзган эди: “Аввало шуни билиш керакки, бу ердаги тузем артистлари қўғирчоқ театрини иккига ажратишади: бири – “Қўл қўғирчоқ”, иккинчиси - “Чодир хаёл”, “Чодир жамол” бўлиб тамомила бошқача кўрсатилади. Бу театр бирон бинода жойлашиб, тегишли газламадан чодир – сахна ясайди. Томошалар фақат кечқурин бўлади...”.⁴ Иплар билан бошқариладиган қўғирчоқ театрининг “Чодир жамол” ва “Чодир хаёл” деб аталиши рост. Аммо П.А.Комаров томонидан ишлатилиб, илмий адабиётга кириб қолган “Қўл қўғирчоқ” атамаси қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқ театрининг техникасига оид бўлиб, турнинг номи эмас. Бошқарилишига қараб аталганида “Чодир жамол” ва “Чодир хаёл” ҳам “Ип қўғирчоқ” деб ном олган бўлади. Тўғри, қўғирчоқбозлар орасида турларни бир-биридан ажратишда “қўғирчоқ” ва “ип қўғирчоқ”, “кичкина қўғирчоқ” ва “катта қўғирчоқ” иборалари ишлатилган. Лекин уларнинг биронтасини ҳам атама деб бўлмайди. Ўнлаб қўғирчоқбозлар билан ўтказилган суҳбатлар натижасида қўлга кийиб, бармоқлар билан ҳаракатга келтириладиган қўғирчоқ театрининг “Чодир жамол” ва “Чодир хаёл” деб аталиши маълум бўлди.

Атоқли қўғирчоқбоз Ғофуржон Мирзараҳимов тилидан ёзиб олинган қуйидаги байт ҳам ана шу атаманинг тўғрилигини тасдиқлайди:

Шабъ чодир хаёл аст,
Рўз чодир жамол аст.⁵

Яъни:

Кеча чодир хаёлдир,
Кундуз чодир жамолдир.

Ушбу байтда жуда аниқ қилиб кечаси бўладиган театрни “Чодир хаёл”, кундузи кўрсатиладиган “Чодир жамол” деб аталади. Бу ердаги “жамол” сўзи бир томондан томошанинг ёруғликда, кундузи кўрсатилишида, иккинчидан, томошада хаёл, афсона эмас, балки кундалик ҳаётдан олинган реал, таниш

⁴ Талас. Записи кизикчи, Ўз ВАСИТИ фонди, 2-китоб, инв. Т-57

⁵ П.А.Комаров архиви. 1906-йил 30-августда ёзилган хатдан.

воқеалар тасвирланишида ишора қилади. “Чодир” сўзи эса ҳам сахна, ҳам театр маъносини беради. Демак, “Чодир жамол” – кишиларнинг кундалик ҳаётидан олинган воқеаларни қўлга кийиб ўйнатиладиган қўғирчоқлар ёрдамида кундузи акс эттирувчи ўзига хос театрdir.



“Чодир жамол” сахнаси кўпинча якранг (қизил, сарик) матодан халтасимон қилиб тикилган бўлиб, чодир деб аталади. Қўғирчоқни ҳаракатга келтириш унча мураккаб эмас. Ўйнатувчи қўғирчоқни қўлига кияркан, бошини ўрта (баъзан, кўрсаткич) бармоғига, қўлларини жимжилок (баъзан, ўрта бармоқ) билан бош бармоқларига қўндиради. Мана шу хизматчи бармоқларни букиш, тўғрилаш, очиш, ёйиш, силкитиш, титратиш орқали қўғирчоқларга “жон” киради.

Қўғирчоқларнинг боши, қўллари ва кўйлаги бўлиб, ўйинчининг билагидан уларнинг танаси ҳосил қилинган. Қўғирчоқ бошлари одатда ёғочдан ясалган. XIX аср охирларидан Фарғона водийси ва Тошкентда чинни бошли елимли қўғирчоқлар ҳам истеъмолга кирган. Қўғирчоқ яшаш, уни кийинтириш билан кўпинча қўғирчоқбозларнинг ўзлари шуғулланган. Баъзан буюртма бўйича бешикдўз усталар ясаб беришган. Қўғирчоқларнинг кўзлари одатда қора ранг билан чизилган, баъзида қора, яшил, сарик, пушти рангли мунчоқлардан ясалган. Қош, соқол ва мўйлов баъзан чизилган, баъзан жундан қилинган. **Масалан:** чол қиёфасидаги қўғирчоқнинг қоши, мўйлови ва соқоли оқ ёки мош-гуруч жун ёпинтиришдан ҳосил этилган. Қўғирчоқлар-нинг қўллари сарик, пушти ёки қора чармдан, баъзан латта-ю увададан тикилган. Албатта, бунда қўғирчоқ қандай типни тасвирлаши эътиборга олинган.



XIX аср ва XX аср бошида Ўзбекистон ҳудудидаги қўғирчоқбозлар

ишлатган барча кўғирчоқлар типларини йиғиб келганда юзтадан ҳам ошар, чунки жуда кўп кўғирчоқ ва уларнинг томошалари бизгача етиб келмаган. Аммо шу нарса аниқки, ҳар қайси кўғирчоқбоз кўпи билан 20 та кўғирчоқ ишлатган. Чунки ҳар спектаклда 8-12 кўғирчоқ иштирок этиб, мазмунан бири-бирига боғланиб кетувчи 4-6 эпизод ҳосил қилган. Ҳар қандай кўғирчоқбоз томошасида бир кўғирчоқ муҳим аҳамиятга эга бўлганки, у ҳам бўлса, Качал Полвондир. Шу сабабли уни яшашда алоҳида эътибор берилган. “Чодир жамол” театрининг Качал Полвон билан Бичахондан ташқари бизга маълум бўлган барча кўғирчоқларни тўрт тоифага ажратиш мумкин: ҳажвий персонажлар, халқ типлари, санъаткорларнинг қиёфалари ҳамда ҳайвон ва афсонавий махлуқлардир.

Чодир хаёл.

“Чодир хаёл” театри “Чодир жамол”га нисбатан анча мураккаб ва мукаммал. Бу хусусият сахна тузилиши, кўғирчоқларнинг ясалиши, ижро услуби, мавзу доираси барча компонентларда яққол кўриниб туради.

Мазкур театр томошалари кўпинча биноларнинг ичида, онда-сонда очик жойларда кўрсатилган. Сайилгоҳ, кўча ёки томошахонада шундай жой танланадики, токи ўйинчи томошабинга кўринмасин. Шу ерда узунлиги 5-6 бўйи 2-2,5 метр келадиган, ранг-баранг ва ёл-ёл читдан парда тутилади. Унда сахна кўриниши учун махсус жой кесилган. Унинг “Чодир пардаси” деб аталиши ҳам шундан келиб чиққан бўлса керак. Чодир пардасининг ортида узунлиги 3-3,5 метр, бўйи 120-125 см келадиган ички қора чодир бўлиб, унинг ҳам пастки томони 180 см узунликда ва 70-75 см баландликда кесилган ва ўйин жой ҳосил қилинган. Ички чодир остона, устун ва тирговичлардан иборат мосламаларга таяниб туради. Ярим метрча ичкарида қора газламадан ички парда осилган. Унинг “чодир пардаси” деб аталиши ҳам шундан келиб чиққан бўлса керак.

М.Ғ.Гаврилов томоша техникасини шундай баён қилади: “Театр сахнасида кўғирчоқлар иплар ёрдамида ҳаракатга келади. Иплар ҳам ички парда сингари қора. Иплар билан одатда кўғирчоқларнинг танаси, боши, қўллари ва оёқлари боғланган, бир учи “дастчўп” деб аталувчи (20 см) чўпга уланган. Ички парда орқасида турган кўғирчоқбоз дастчўпни қўлига ушлаб кўғирчоқни сахнага чиқаради, ўзи эса пастдан туриб кўғирчоқни ўйнатади”.⁶ Бу театр томошалари одатда кечалари кўрсатилгани, оддий нур-шуъла ва шовқиндан фойдаланилгани туфайли қора пардалар ичидаги кўғирчоқларнинг иплари кўринмаган, худди кўғирчоқларнинг ўзи ҳаракат қилаётгандай табиий ва ажиб манзара ҳосил бўлган.

Ҳар машҳур кўғирчоқбоз бир вақтнинг ўзида иплар ёрдамида 8-10 кўғирчоқни ҳаракатга келтира олган. “Чодир жамол” театрининг бир томошасида кўпи билан ўн кўғирчоқ иштирок этган бўлса, “Чодир хаёл”да бир томошада 50 дан ортиқ кўғирчоқ ўйнаган. Иккала турда ҳам томошалар асосан икки киши-кўғирчоқбоз билан корфармон томонидан уюштирилган ва бошқарилган. Корфармон кўғирчоқларни гапга солган, томошани бошлаган,

⁶ Гаврилов М.Ф. Кукольный театр Узбекистана..., с.16.

якунлаган, шунингдек, созандалик вазифасини бажарган. Қўғирчоқбоз чодир ичида яни парда орқасида сафил ёрдамида қўғирчоқлар тилидан гапирган, уларни ҳаракатга келтирилган, шу тариқа бадиий образ яралган.



Аниқланишича, “Чодир хаёл”да юзга яқин қўғирчоқ қатнашган. Улар қўлга кийиладиган қўғирчоқлардан фарқ қилган. Ёғочдан каттароқ қилиб ясалган, қўл ва оёқлари бўлган. Энг муҳими, бунда тарихий шахслар қиёфасини гавдаланувчи қўғирчоқ персонажлар бор. Иккинчидан, бунда қўғирчоқ юзини ишлашгагина эмас, бутун ташқи кўринишининг мазмунли ва ифодали бўлишига аҳамият берилган.

Санъат аҳли қиёфаларини акс эттирувчи қўғирчоқлар коллекцияда кўпчиликти ташкил қилади. Унда биз Тошпўлат дорбоз, Парда карнайчи, раққослардан Лазокат пошша билан Саодат пошша, Эрназар маймунчи, Ориф жарчи кўзавоз, Ойша хотин олмабоз, эркак-аёл фаранги муаллиқчи ва полвон Шодмон ботир қирғизни кўрамиз. Шундан Эрназар маймунчи, ўйинчи аёллар (танаси, қўл-оёқларининг борлигини ҳисобга олмаганда) ишланишига кўра “Чодир жамол”даги шу номли қўғирчоқлардан фарқ қилмайди. Умуман санъатчилар қиёфасини тасвирлашда уларни махсус кийимда ва маълум характер белгисига эга қилиб кўрсатиш тамойилига амал қилинган. Шу жиҳатдан, хусусан, Тошпўлат дорбоз, Парда карнайчи ва Ориф жарчи қўғирчоқ-персонажлари алоҳида диққатни жалб қилади.

Коллексияда афсонавий махлуқ ва ҳайвонлардан Кавсар дев, маймун, илон, лайлак ва эшакни кўрамиз. Бу тоифа қўғирчоқларга хос умумий бир хусусият шундан иборатки, уларнинг башараси одамсифат қилиб ишланган. Юқорида айтиб ўтилганидек, бу қадимий дунёқараш ифодаси бўлиши мумкин. Қўғирчоқбоз чодирнинг орқасида туриб қўғирчоқлар билан томоша кўрсатиш усули ҳам Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларида кенг қўлланилган усулдир. Айниқса соялар ўйини анъанаси Индонезия, Ҳиндистон, Хитой, Япония каби мамлакатларда ҳам қадимдан ривожланиб келган. Эндиликда профессионал жаҳон театрларининг аксариятида анъанавий миллий томоша усуллари билан биргаликда, бошқа мамлакатлардан кириб келган услублар ҳам қўлланилади. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам.



Кўғирчоқвоз бўлишни хоҳласангиз.

Кўғирчоқ театри асосан кичкинтойлар театридир. Яъни ўзининг спектакллари билан болаларни эстетик руҳда тарбиялайди, уларни олам сирлари билан таништиради.

Хўш, кўғирчоқ нима ўзи?

Бу қоғоз ва латталардан бунёд бўлган ўйинчоқ бўлиб, актёрнинг ҳолатига қараб, бу ўйинчоқлардан яхши, қобилятли, ё бўлмаса, суст актёр-кўғирчоқлар юзага келади. Зеро, кўғирчоқ актёр томонидан жонлантирилади ва ҳаракатга келтирилади.

Кўғирчоқ спектаклларида бир вақтнинг ўзида икки ҳаракат вужудга келади: бири яратади, иккинчиси рўёбга чиқаради. Шунинг учун ҳам, кўғирчоқбоз актёр жисмоний соғлом, қўл ва бармоқлари абжир ва эпчил бўлиши керак. Чунки кўғирчоқбознинг ҳар бир қўл ҳаракати инсонлар сингари кўғирчоқ фикрини ифодалайди. Қўлни мантиқсиз силташлар кўғирчоқ ҳаракатларининг ҳаққоний ифодаланишига халақит беради, шунинг учун машқлар билан қўлнинг эгилувчанлигини, чаққонлигини тараққий эттириш фойдали. Кўғирчоқни қўлга олишданок актёр иккала қўл билан бошқаришга ўрганса, спектакль давомида қўллари толиқмайди.

Кўғирчоқларнинг бир неча тури мавжуд, жумладан, қўлга кийиб ўйнатиладиган кўғирчоқлар, улар “қўл кўғирчоқлари”, “петрушкалар” деб аталади. Бундай кўғирчоқ қўлга кийилганда кўғирчоқ ўйнатувчининг бармоқлари кўғирчоқ боши ва қўлчалари ҳаракатига айланади. Кўғирчоқнинг боши ўрнатилган таёқча “табит” кўрсатгич ва ўрта бармоқ орасига олинади. Кўғирчоқнинг панжасига ўрнатилган патронлар эса бошмалдоқ ва жимжилоққа кийилади. Қўл кўғирчоқлари қўлларининг ҳаракати чекланганига қарамай, бундай кўғирчоқлар билан ҳаққоний ҳаётий ҳаракатларни бажаришга эришиш мумкин. Масалан, тоғорачани кўтариб келиб хамир қориш, супургини панжалари орасига олиб супуриш, челақчани кўтариб сув сепиш, ўтин териб орқалаш ва ҳоказо.

Қўл кўғирчоқларни бошқаришнинг маълум қоидалари бор, ўқувчи бу қоидаларга риоя қилиши керак:

1. Кўғирчоқнинг гавдаси ўқувчининг қўл ва бармоқларидир, қўл билаккача материал билан қопланади, бу кўғирчоқнинг “юбкаси” дейилади. Кўғирчоқ театрида томошабин ўқувчини эмас, ўқувчи бошқараётган кўғирчоқни кўриши керак. Ўқувчи эса, тўсиқ ортида ҳаракат қилади. Тўсиқ ижрочиларни томошабинлар кўзидан яшириб турувчи ва кўғирчоқлар ҳаракат қилиши мумкин бўлган сахна вазифасини бажаради. У бир неча хил баландликда бўлиши мумкин.

2. Қўғирчоқлар портал ва декорациялар ортидан сахнага чиқиб, яна улар ортига вазифасини ўтаб бўлгач, яширинадилар. Баъзи бир “сеҳрли” ҳолларни ҳисобга олмаганда, томошабинлар кўз олдида қўғирчоқ тўсиқ тагига “шўнғиши” ёки унинг тагидан “ўсиб чиқиши” мумкин эмас.

3. Ҳар бир қўғирчоқ ўз характериға муносиб юриши керак ва шу юриш ҳолатини спектаклнинг бошидан охиригача унутмаслиги керак.

4. Қўғирчоқ ўтирганда билакни букиб, қўғирчоқ энгаштирилади. Ўтирган ерга билакни тираб туриб, қаддини ростлаш керак. Жойидан турмоқчи бўлган қўғирчоқни ҳам, аввал олдинга энгаштирилиб, кейин қадди ростланади. Агар қўғирчоқнинг оёқлари бўлса, ўтирганда тўсиқ олдиға ўтказилади. Бунда қўғирчоқ ёнбошлаб ўтирғизилиб, томошабинға ўтрила бориш билан бир вақтда қўллари ёрдамида оёқларини тўсиқ устида ошириб ўтказиш мумкин. Агарда унинг оёқлари бўлмаса, тўсиқ устиға ўтказаётиб, ўқувчи бўш қўлини қўғирчоқ “юбкаси” ичига яширган ҳолда тизза ҳосил қилиши керак.

5. Қўғирчоқлар бир-бириға қараганда, сўзлашганда, уларнинг бурунлари бир-бириға тўғри келиши керак. Шунда қўғирчоқнинг “нигоҳи” маълум предмет ёки персонажға тўғри қаратилган бўлади.

6. Қўғирчоқнинг қўллари доимо кузатиб туриш керак. Ҳаракатсиз турганда уни “дастлабки ҳолатда” ушлаш, яъни қўллари гавдасиға ёпишиб туриши керак. Бунда қўғирчоқнинг ўнг қўли чап қўлини тутиб туради.

7. Сўзлашаётган қўғирчоқ худди ҳаётдаги инсонлардек энг муҳим сўзларға бош ёки кичик қўл ҳаракатлари билан урғу бериб туриши керак.

8. Қўғирчоқни маълум объектға қаратиш учун аввал бошини, сўнгра бутун гавдасини буриш керак. Гавда билан бошни бир вақтда қаратиш нотўғри.

9. Бир қўғирчоқ гапираётганда ёки ҳаракатланганда, бошқалари жим қотиб туриши керак, акс ҳолда қайси қўғирчоқ гапираётганини аниқлаш қийин бўлади.

10. Қўғирчоқни ўқувчи ўзидан узоқроқда ушлаши, яъни бошқараётганда қўғирчоқнинг олд томонидан кўриши керак.

11. Қўғирчоқ театрида ўқувчининг ўзаро ёрдамға катта эътибор бериши керак. Чунки спектаклда бўшроқ ўқувчи доимо сахнадагиларға реквизитларни олиб беришда, уларни ушлаб туришда ва олиб қўйишда ёрдам бериб туриши керак.

12. Қўғирчоқ ҳар бир ҳаракатни бажаришда олдин гавдасини салгина орқаға ташлаб, сўнгра ҳаракат қилса, шунда унинг ҳаракати ҳаётий чиқади.

Қўғирчоқнинг тўғри бошқаришнинг бу умумий қоидалари аста-секин амалий ишлаш жараёнида ўзлаштирилади. Репитиция ва спектаклларида умумий қоидаларнинг пьесадаги конкрет шароитлар, ролларда қўлланишиға диққат билан риоя қилиш лозим. Қўғирчоқлар билан яқиндан танишиш ва уларни ўрганишни умуман мавҳум ҳаракатлар билан бошламасдан, машқлардан бошлаш керак. **Масалан:** қўғирчоқ юрди, ўтирди, кўрди, предметни олмоқчи бўлди ва ҳоказо. Мана шундай машқлардан этюдлар, яъни кичкинагина сахна парчалари тузиб, кичик ҳажмдаги шеър ва масалларни ўқишда сўзларни қўғирчоқ тилидан талаффуз қилиб кўрган маъқул.



Техника хавфсизлиги қоидалари.

Қўғирчоқ театри машғулотида ҳам барча касблар қатори меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак. Тўғарак раҳбари машғулотларни бошламасдан аввал хавфсизлик техникасининг қонун қоидаларини тушунтириб ўтиши мақсадга мувофиқдир. Тўғарак аъзолари ўткир қайчи, ўткир тиғли темирлар, нина, пичоқ ва турли хил асбоблар билан ишлаётганда эҳтиёткор бўлишлиги керак. Ҳар қандай бахтсиз ходисанинг олдини олиш учун ўқувчиларни пичоқ ва тиғли асбоблар билан ўзаро ўйнашларига йўл қўймаслик керак. Айниқса бундай ҳоллар биринчи ўқув йилида ўқиётган тўғарак аъзолари орасида тез-тез учраб туради. Хавфсиз ва сифатли ишлаш учун қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

- сочлар турмакланган ҳолда бўлиши;
- халатлар кийилиб, фартуклар тақилган, оёқлар енгил шиппакларда бўлиши керак;
- ишга тушушдан олдин қўлларини тозалаб ювиш керак;
- тўғарак раҳбарининг рухсатисиз хонадаги дастгоҳ, жиҳоз асбоб-ускунага ва электр симларига тегмаслик ;
- тўғарак аъзолари учун ишлаб чиқилган тартиб ва қоидаларга қатъий риоя этиш;
- пичоқ, қайчи ва ип нина билан ишлаётганда бир-бирига ҳалақит қилмаслик;
- хона тозаллигини назоратга олиб бориш;

Машғулот ўтиладиган хонада техника хавфсизлик қоидалари билан эҳтиёт бўлиб фойдаланиш ҳақида кўргазмалар чиқарилиб қўйилиши лозим.

Техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш иш унуми ва иш сифатига катта таъсир қилади, чунки тартиб йўқ жойда ишнинг сифати бўлмайди.

Театрнинг ташкил топиши.

Ўзбекистонда қўғирчоқ театри биринчи марта 1939 йилда ташкил этилган. Ўша йили “Петрушка” номли ўзбек ҳамда рус қўғирчоқ театрлари ташкил топганди. “Петрушка”ни халқнинг севимли қўғирчоқбози Тошпўлат Дониёров бошқарар эди. Театр директори Р.П.Ананьева, ҳайкалтарош rassom Е.Л. Подгурская, қўғирчоқбозлар Т.Дониёров, З.Исҳоқова, А.Сайдалиев, В.М.Грязнова, Н.Зайнутдиновлар театрнинг эски биносида фаолият олиб борар эдилар. У вақтларда театр ҳозирги Амир Темур майдони яқинидаги кашшофлар уйи биносига жойлашган эди. Бу ерда театр жамоаси 30 йилдан ортиқ фаолият

юритди. 1979 йилга келиб театр раҳбари Н.П.Ананьеванинг саъй ҳаракати билан ҳозирги театр биноси 8 ой давомида қуриб битказилди.

Театр учун жон фидо қилган раҳбар Н.П. Ананьевани театр жамоаси ҳанузгача меҳр билан тилга олади. Уларнинг айтишларича кўғирчоқ театри учун қурилган бундай махсус театр МДХ давлатларининг бирортасида ҳам учрамайди. 350 та одамга мўлжалланган катта ва кичик залга эга бу театр 1979 йил Тошкентда ўтказилган Халқаро кўғирчоқ театрлари фестивали муносабати билан қурилган эди. Театр илк ташкил топган йилларда актёрлар, рассомлар ва раҳбарият олдида катта, масъулиятли вазифаларни ҳал этиш муаммоси турар эди.



Тошкентдаги кўғирчоқ театр биноси

Иккинчи жаҳон уруши йилларида театр жамоаси болаларнинг ўқисик қалбларига илиқлик руҳини бахш этувчи спектакллари саҳналаштирди. Кейинчалик, у вақтларни хотирлаган болалар шоири ва драматурги С.Я.Маршак -“Дам олиш кунларида болалар қувноқ томошалар кони – кичик эртаклар қалъчасини эрта тонгдан забт этардилар. Бу - ўзининг драматургиясини, йўлини излаётган ва топаётган театр”- деган эди. Дарҳақиқат бошланғич йилларда А.С. Пушкин, Г.Х. Андерсен, Ш.Перро, ака-ука Гриммлар ва бошқа кўплаб болалар ёзувчиларининг “Том Сойер”, “Золушка”, “Каштанка”, “Қор Маликаси” асарлари саҳналаштирилган бўлиб, миллий репертуарни бойитиш асосий масалалардан бири эди. Аста-секин ўзбек кўғирчоқ спектакллари саҳна юзини кўра бошлади. Жумладан “Фотиманинг саргузаштлари”, “Зиёд ботир”, “Раҳим ҳамда кўнғиз”, “Ойгул билан Баҳтиёр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Қачал полвон” каби ўндан ортиқ ўзбек спектакллари томошабинлар эътиборига тушиб, театрға томошабинларнинг келиши тобора орта бошлади.



Театр саҳнасида “жонланиб” тилга кирган кўғирчоқ болаларға бекиёс завқ-шавқ, маънавий озуқа бахш этади. Болаларимизни ҳаёт жумбоқлари устида бош қотиришға ундайди. Гўзаллик дўстлик, адолат, ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик туйғуларини уларнинг юракларига жо этади. Бугунги кунда

Республикамизда 11 та Давлат кўғирчоқ театрлари ёш мухлисларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг репертуарларидан миллий ва хорижий муаллифларнинг турли хил асарлари жой олган. Мазкур санъат турини тўлиқ ўрганиб, ўзлаштириш учун сахна нутқи, рақс, понтамимо, сахна ҳаракати, ритмика, кўғирчоқ яшаш ва бошқариш технологияси, мусиқа асослари, кўшиқчилик, театр тарихи, болалар ва катталар психологияси кабиларни тўла – тўқис ўзлаштириш талаб этилади.

Тошкентлик Шофайзи (1870-1930) деган кўғирчоқбознинг отаси Шомухитдин бобоси Шоаъзим, катта бобоси Шосолиқ таниқли кўғирчоқбоз ва меҳтар (сурнайчи) ўтганлар. Демак бу авлоднинг тўрт бўғини, икки аср давомида шу санъат билан шуғилланиб келган. Бухоролик йирик кўғирчоқбоз ва сурнайчи Дониёр бобо (1876-1962)нинг отаси Шохсувар (1830-1900) бобоси Абдулла (1740-1855) ҳам умрини кўғирчоқ санъатига бағишлаган. Шу даврларда юқорида номлари зикр этилган кўғирчоқ санъати соҳибларидан ташқари Зариф мисгар, Қори хожи, Шароф чала, Садриддин Эшон, Ражаб Мешкор (Бухоро), Жўра Қайроқ, Хамро Меҳтар, Азиз бобо, (Ғиждувон), Новвот Лўхтакбоз, Махмуд Меҳтар, Хамро бобо (Самарқанд), Турсунбой Абдужабборов (Тошкент) каби ўнлаб уста кўғирчоқбозлар ўтганлар. Айниқса XIX аср ўрталарида кўғирчоқ ўйин сатирасининг тиғи ўткирлашди. Кўғирчоқбозлар фаоллашиб, ҳукмрон табақаларга нисбатан ўз муносабатларини ва баҳоларини дадил ҳамда ошқора ифода қилдилар. Сатира тиғига йирик амалдорлар, бойлар, судхўрлар, қаландарлар, ўғрилар, бангилар илиниб, шарманда бўлишди. Кўғирчоқбозлар жамиятдаги ёмонлик иллатларини зўравон текин-томоқ бойлар амалдорларни қаттиқ тақиб қилганлар ҳамда меҳнаткаш халққа кулгу-завқ бағишлаганлар.

Бухоролик йирик кўғирчоқбоз ва сурнайчи Дониёр бобо, отаси Шохсувар ва Абдулла ҳам умрини кўғирчоқ санъатига бағишлаган. Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги Ғишти қишлоғида ўз истеъдоди билан меҳнаткашларни хушнуд қилиб келган Холмурод бобонинг ҳам ота-бобоси кўғирчоқбоз ўтган. Унинг отаси Сиддиқ Калон, бобоси Абдукаримлар кўғирчоқ театрининг йирик намоёндалари ҳисобланган. Самарқанд, Бухоро вилоятлари, Хива, Ғиждувон шаҳарларидаги аксар кўғирчоқбозлар янги санъат асарларини яратишда камарбаста бўлганлар. Кўғирчоқ театрида кўғирчоқбоз жонсиз ўйинчоққа жон бахш этади. Кўғирчоқбоз соатлаб ойна олдида машқ қилиб, образни жонлаштиришга ҳаракат қилади. Шунинг учун кўғирчоқбоз жисмоний соғлом, қўл ва бармоқлари абжир, эпчил бўлиши керак. Чунки, кўғирчоқбознинг ҳар бир қўл ҳаракати қаҳрамон фикрини ифодалаб бериши керак. Кўғирчоқбоз ҳар хил ҳолатда, тиззалаб ўтирган ҳолатда, ётган ҳолда тўсиқ ортида рол ижро этади.



Қўғирчоқ театрининг ранг-баранг репертуари ва томоша санъатидаги турли услубий изланишлар натижасида собиқ совет республикаларидан фақатгина қўғирчоқ театригина чет эллар бўйлаб гастрол сафарларига чиқар эди. Театр дунёнинг деярли барча қитъаларида спектакллар намоиш қилган ва қайси давлатга бормасин ўша юртнинг давлат тилида спектакллар ижро этарди. Бу анъана айни пайтда ҳам давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда замонавий қўғирчоқ театри санъати мустақил Ўзбекистон келажиги бўлган ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантиришда, ёшларни ватанга садоқат, маънавий баркамол ва ҳар томонлама етук тарбиялашда ўзига ҳос бетакрор санъатдир. Ёш томошабиннинг санъатга ошнолиги илк бор қўғирчоқ театридан бошланади. Шунинг учун у бу даргоҳни тез-тез қўмсайди. Ҳал эта олмаган жумбоқларга шу даргоҳдан жавоб топади.

2. Қўғирчоқлар овози.

Қўғирчоқ театрида сахна жиҳозлари ва бутафорлар сохта бўлмай, балки актёрнинг қўлидан қўғирчоқ ҳам ҳар хил матолардан ясалган жонсиз персонаждир. Актёр томошабинлар кўз ўнгида қўғирчоқни ҳаракатга келтириб, уни ўзи сахнада ўраб турган жонсиз нарсаларни кўришга, сезишга ва ҳис қилишга олиб келади. Бу эса актёрнинг қўғирчоққа сахна, жиҳоз ва анжомларга ишонч билан қараб, улар билан тўғри муносабатда бўлиш кераклигини таъкидлайди. Қўғирчоқ билан ишлаш жараёнида эса, қўғирчоқнинг ўзи жонсиз мато бўлса, унинг предмет билан ишлаш жараёни ҳам жонсизликни туғдиради. Шунинг учун у сахнада жонли, аниқ мантиққа мойил ҳаракат қилиши учун актёр ҳатти-ҳаракатини ички кўзгуда аниқ кўриб, сўнг уни қўлидаги қўғирчоғига мантиқ ва меъёр қонуни асосида кўчиради. Шунда қўғирчоқнинг пластик ҳатти-ҳаракати жонли кечади.



3. Ҳайвонлар овози.

“Ҳайвонлар хиёбони” машқини оладиган бўлсак. Бу ерда шарт-шароит “яйлов” - демак, эрта тонг. Эрталаб уйғонган ҳар бир жонзот хоҳ у қуш бўлсин, хоҳ у эчки ёки юмронқозик - биринчи навбатда уйғониб ўзини ўраб турган шарт-шароитни кўради. Сўнг уни баҳолайди. Унинг атрофини ўраб турган борлиққа ўз муносабатини билдириб, сўнг хатти-ҳаракат қилишга ўтади.

“Ҳайвонлар хиёбони” машқидаги қуён ўзига егулик бирор нима излаб юрганда унга ҳамла қилмоқчи бўлган бўрини кўриб, жон сақлаш учун яшириниб олади. Эчки боласи ўйинқароқлик қилиб онасидан узоқлашиб қолганини англаб, бор овози билан онасини “белаб” чақиради. Унинг товушини эшитган она эчки югуриб келиб боласини ўзидан узоқлашгани учун уни қойиб, ўзи билан олиб кетади. Очилган лолалардан гулдаста терган юмронқозик гулларни қизига совға қилади ва ҳ.к.лар. Бу машқда тўғарак аъзолари қуён, бўри, эчки, юмронқозик каби ҳайвонлар хатти-ҳаракатини, овозини ўзи бажараётган пластик ҳаракатининг мантиқидан, баданининг ҳаракатчанлигига мойиллигидан келиб чиққан ҳолда тўғри, аниқ мақсадли ҳаракат қилишга ўз танасини ўргатмоғи лозим. Албатта тўғарак аъзолари айнан шу ҳайвон ёки парранда у ўйлаб топган шарт-шароитга ўз муносабатини қандай билдирган бўлар эди ва унинг ҳаракати нимага асосланганини аниқ билгандагина хатти-ҳаракатга ўтилади.



Тўғарак аъзолари ёрқин ва кучли тасаввурга эга бўлиши лозим. Унинг тасаввури асосли ҳамда пухта ўйлаб топилган, ўзи ўқиган, ҳаёт кузатишларидан, тўплаган билимларига асосланган бўлмоғи даркор. Тўғарак аъзоси тасаввурини ривожлантириш ва уни ишлай олиши учун ўқиш, ҳаётни ўрганиш, табиат ва жонзотларнинг характерини уларнинг муносабатларини, пластикасини, инсонларнинг хулқ-атворини, ҳар хил шароитларда ўзини тутишини, касб-корини ҳаётда тутган ўрни ва мавқеига қараб ўзгаришини ва ҳ.к.ларни кузатиб ўрганиш ва бу билим хазинасидан ижод пайтида унумли фойдаланиши керак.

Қўғирчоқ театрида болалар руҳияти эътиборга олиниб ранг-баранг образлар яратилади. Унинг сахнасида ҳатто жодугарнинг супургиси ҳам ўз эгасига бўйин эгмайдиган персонажга айланиши мумкин ёки ёниб кетиши ва яна ўз ҳолатига қайтиши ёки тўғри фикр баён қила олмаган бошни узиб ташлаб, яна ўз ҳолига қайтариш, ёки уятдан чўғ бўлиб ёниши каби ҳодисалар содир этилиши мумкин. Демак, қўғирчоқ театри актёри фақатгина тасаввурга эмас, балки кучли фантазияга ҳам эга бўлиши шарт. Фантазия бу йўқ нарсани, воқеаликда учрамайдиган воқеа, ҳодисаларни, ҳеч қачон бўлмаган ва бўла

олмайдиган нарсаларни яратади. Фантазия айнан кўғирчоқ театри актёри учун керакли жараён ҳисобланади. Чунки кўғирчоқ театри сахнасида ҳеч қайси театрда бўлмайдиган ва бўлиши мумкин бўлмаган воқеа ва ҳодисалар содир бўлади. Масалан: шер ўрмонда подшо бўлиб, ўз қонун қондасини ўрнатиши, бўри бўлса қуёнга ақл ўргатиб одамларга ўхшаб гапириши, жодугар кампир супургисига миниб учиб кетиши ва ҳ.к.лар.

Бир сўз билан айтганда кўғирчоқ театрида тасаввур билан фантазия бири-бирига боғланган ҳолда актёр ижодига ёрдам беради.

4. Кўғирчоқларни ўйнатишда қўл ҳаракати.

Кўғирчоқларни ўйнатишда қўл ҳаракатлари, пардадан қўлнинг қанча қисми кўриниши, образга хос ҳаракатларни бажариш техникаси ўргатилади.

Кўғирчоқларни ўйнатишда, яъни қўлга кийдириб ўйналадиганлар учун кўрсаткич бармоқ бош қисмига, бош ва ўрта бармоқларга қўл қисмлари жойлаштирилади. Ҳаракатлар эса олдинга, ёнига, орқага ва эгилиб бажарилиши мумкин, бунинг барчасида қўл ҳаракатлари муҳим ўрин тутати. Кўғирчоқ театри актёри учун энг зарур бўлган йўналиш бу унинг қўл ҳаракатчанлигидир. Ҳақиқатдан ҳам инсон хатти-ҳаракатининг энг фаол ижрочиси бўлган қўл кўғирчоқ театрида ўзининг мўжизакорлиги, сеҳргарлик кучини янада яққол намоён қилади. Драматург асаридаги қиёфалар мусаввир ва кўғирчоқ устасининг ижодий кўмагида дунёга келган қаҳрамонлар кўғирчоқ театри актёри қўли билан жонланиб, мантиқли, мақсадли хатти-ҳаракатга мойил қилинади. Бу ўз ўрнида кўғирчоқ театри актёридан қўлларининг нақадар ҳаракатчан, чиниққан, чидамли бўлишини тақозо этади. Шунинг учун кўғирчоқларни катта маҳорат билан бошқариб, турли мантиқли хатти-ҳаракатлар содир қилиш билан бирга, қўл яланғоч ҳолда, қўлқопли ҳолатда ёки думалокча кийган ҳолатда турли ҳаракатларни амалга ошириб, турфа образлар яратади ва бой имкониятларини намоён этади. Демак кўғирчоқ театри актёрнинг қўл ҳаракатчанлиги чексиз имкониятларга эга бўлиши керак.




Сахнада бажарилаётган ҳаракат уч хил ҳолатда бўлади:

1. Жисмоний ҳаракат бажариладиган ишнинг ташқи ҳолати (кийиниш, гул тақдим қилиш, ўсма қўйиш ва бошқалар). Бу ҳаракат асосан психик ҳаракатни амалга ошириш учун мослама сифатида хизмат қилади.

2. Психик ҳаракат инсон онгига, руҳига, ҳолатига таъсир қилиб, уни ўзгартиришга олиб келади (тушунтириш, мақташ, рад этиш, севги изҳор қилиш ва ҳ.к.лардир).

3. Сўзли ҳаракат сўз бу фикр баёни. Сўзни сахнада аниқ мақсадга эришмоқ учун айтилади. Сўз инсон психалогиясига, яъни интеллектига, тасаввурига ва ҳис-туйғусига ҳар томонлама таъсир қилиш кучига эга.

Физик, психик ва сўзли ҳатти-ҳаракатларнинг барчаси сахнада бир мақсадга эришиш учун йўналтирилади.



Сахна ортидаги актёр ҳолати

Қўғирчоқ бошқаришнинг умумий қоидалари.

Қўғирчоқбоз бу жуда шартли термин бўлиб, у қўғирчоқ спектаклида роль ижро этувчи, қилган ишларнинг моҳиятини тўла тасвирлаб беролмайди. Қўғирчоқ билан яхши роль ўйнаш учун у ролни ўз кечинмалари деб билиши, драматик спектакль қатнашчиси ҳиссиёти даражасида ўзлаштирилиши лозим. Қўғирчоқ бошқариш техникасини ўзлаштиришдан ташқари, пьесани кунт билан ўқиб, муаллиф текстини чуқур ўзлаштириш керак. Агар сиз маълум роль ижрочиси сифатида қатнашчи характерини, унинг интилишларини, ниятини, феъл-атворини, унинг бошқа қатнашчиларга муносабатини, ҳуллас у яшаган ҳаёт, билан яшаб кетишини ўзлаштирасангиз, у ҳолда сўзсиз бу сизнинг товушингизда ҳам қўлингиздаги қўғирчоқда ҳам ўз ифодасини топади.

Қўғирчоқ бошқаришнинг умумий қоидаларини онгли равишда қўллаш керак. Бунда персонажга хос хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳар бир қатнашчи учун ўзига хос ҳаракат топиш керак. Чунки қўғирчоққа қўғирчоқбознинг юриш-туриши кўчади. Агар сиз одамни ифодаловчи қўғирчоқни бошқарсангиз, шу ролга ўз юришингизни мослаштиришингиз мумкин. Қизча ролида тез ва енгил, чол-кампира ролида эса, оғир ва бир маромда юрилади. Ҳайвон қўғирчоқлар сахнада одам қўғирчоқлар сингари тикка, икки оёқда юридилар. Дакан хўрознинг гердаиб юришини, қуён, бақанинг сакрашини, айиқполвоннинг лапанглаб қадам босишини ифодалаш учун қўғирчоқ кийилган қўлнинг уларга мос ҳаракатини ритми, йўналиши ва қўламини аниқ топиш керак.

Бироқ, баъзида спектакль жараёнида қўғирчоқ ҳайвонларни энгаштирилган, горизонтал равишгача ётган ҳолда тутиш керак бўлади. Бу шунга боғлиқки, қўғирчоқ спектакларида аксари турли ҳайвонлар ўртасида, ё персонаж ва декорациялар ўртасидаги қўлам мувозанати кўпинча ўзгаради. Пьеса шароити баъзида шуни тақозо қилади. Қўғирчоқ жонли махлуқларга ўзининг тузилишига яраша даражадагина тақлид қила олади.

Қўғирчоқларнинг буюмлар билан муомаласи пайтидаги ҳаракатларини чуқур ўзлаштириш керак. Барча ҳаракатлар вақтида буюмларни тутувчи қўл тўсиқ четидан чиқиб, кўриниб қолмасин.

Албатта, спектаклларда қўғирчоқ асосий ўринни эгаллайди. Қўғирчоқ спектаклини қўғирчоқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Лекин сахна безаклари ҳам спектаклда муҳим роль ўйнайди.

Пьесанинг моҳиятини очиб беришда спектакль декорацияси катта ёрдам беради. Сахнада юз бераётган воқеалар йилнинг қай фаслида қандай даврда, куннинг қай пайтида содир бўлаётганини декорациялар ифодалайди. Қўғирчоқ театри декорациялари ихчам бўлиши керак. Тўсиқда ҳар турли нарсалар қанча бўлса, шунча яхши, чунки қўғирчоқлар ҳаракати ва ижрочилар учун эркинлик ва осонлик туғилади. Декорацияларни тайёрлашга киришишдан олдин пьеса билан бафуржа танишиб, манзаралар планини ҳал қилиш керак. Декорациялар ранг-баранг, ёрқин ва равшан бўлиб, лекин меъёрдан чиқиб кетмаслиги керак. Декорацияларнинг айрим қисмлари бир неча спектаклларда ишлатилиши мумкин. Декорацияларни ўрнатиш учун фанердан ясалган қутичалардан, айлантириш мумкин бўлган устунчалардан фойдаланиш мумкин.

Декорациянинг қуйи қисми тўсиқ меъёридан сал пастрок бўлиши керак, акс ҳолда декорациянинг айлантирувчининг қўллари кўриниб қолиши мумкин. Пьеса устида ишлашда эса, уни дастлаб коллектив билан ҳамкорликда ўқиб, ролларни тўғри тақсимлаш керак. Ҳар бир ижрочи ўз ролини ёд олгач, бутун диққат-эътиборини қўғирчоққа қаратади. Ана энди: репетиция тўсиқ орқасига кўчирилади. Репетициянинг дастлабки кунларида очик ширмада, тўсиқда ишлаган маъқул. Қўғирчоқ ўйнатишнинг умумий қоидаларини эслатиб туриш, қўғирчоқлар меъёрини текшириш, уларни бир-бирларини тўсиб қолмасликларини кузатиб туриш учун режиссёр томоша залида ўтиргани маъқул.



Персонажларнинг сўз ҳаракатлари билан жисмоний ҳаракатлари мослашишига эришиш керак. Олдинига оддий ва осон туюлган кўп нарсалар тўсиқда қийинлашади. Тўсиқ орқаси ижрочиларга тор ва ноқулай кўринади, қўллар толади, қўғирчоқлар қўл ҳаракатларига бўйсунмайди, реквизитлар ерга тушиб кетаверади. Бироқ секин-аста ҳамма ҳаракатлар ўз ўрнини топиб, керакли малака ҳосил бўлади ва партнерлар билан алоқа ўрнатилади.

Саҳнада кўғирчоқ персонажларнинг хулқ-атвори ва ҳаракатларини ип-игнасиғача аниқ билиб олмагунча вақтни аямаслик керак. Шундан кейингина ҳақиқий репетицияга киришилади. Кўғирчоқ билан, яхшиси, камроқ ҳаракат бажариб, лекин чиройли ва аниқ бўлишига эришиш керак. Ижрочи ўзи яратаётган образдаги кўғирчоқ қандай юриши ва ҳаракат қилиши мумкинлигини мустақил излаши керак. Кўғирчоқ спектаклларида бир актёр бир неча ролни ўзига хос овоз ва ҳаракатларини топиб, ижро этиши мумкин. Баъзи умумий саҳналарда бир актёр бир вақтнинг ўзида иккала қўлига кўғирчоқ кийиб ўйнатиши мумкин. Шунда актёрлар тор жойда сиқилиб қолишмайди, кўғирчоқлар ҳаракатини осонликча мувозанатга сола оладилар.

Айрим пайтларда кўғирчоқ номидан бошқа актёр гапириши, ҳаракатларни бошқа актёр бажариши ҳам мумкин. Кўғирчоқ спектаклини музикасиз тасаввур қилиш қийин. Музика парданинг очилиб, ёпилишида, кўриниш ўртасида, саҳна ўзгаришидаги бўшлиқларни тўлдириб туради, спектаклга мукамаллик бахш этиб, тегишли кайфият туғдиради. Бундан ташқари, музика кўринишларининг ўзида персонажлар куйлаган ва рақсга тушаётган пайтларида ҳам керак. Спектаклга музикаларни ўзига мос халқ куйларидан, замонавий халқ куйларидан танлаш мумкин. Саҳналаштириш учун керакли спектакллардаги рақсларни аввало актёрларнинг ўзлари ўрганиб, сўнгра кўғирчоқларни рақсга туширадилар.

Ҳозирги кўғирчоқ театрларида қўйилаётган спектаклларнинг кўпчилигида актёрлар тўсиқ олдида бошловчи, ҳикоячи ролида иштирок этадилар. Бундай актёрлар ўзларини худди спектаклнинг муаллифи ва шунингдек, режиссёридек ҳис қилиши, саҳнадаги кўғирчоқ ва залдаги томошабинлар ўртасида муттасил воситачи бўлиб хизмат қилиши керак. Актёрнинг ташқи кўриниши спектаклнинг кўғирчоқлари қиёфасига мос бўлиши керак.

Яқунловчи репетицияларда тўсиқни ўрнатиш ва олиб қўйиш, декорацияларни ўзгартириш, кўғирчоқларни ва анжомларни жой-жойига қўйиш вазифаларини актёрларга аниқ тақсимлаб берилади. Кўринишлар алмашинувида, декорацияни ўзгартиришда эпчиллик даркор, шовқин-сурон ва шошма-шошарлик бўлмаслиги керак. Тўсиқдаги декорацияларни ўзгартириш, пардани очиб-ёпиш учун ҳам, одамлар тайинланади. Мўридан тутун чиқариш, кўғирчоқни тайёрлаб туриш, тўсиқ тоmidан сув сачратиш, буюмларини олиб бериш ёки олиб қўйиш каби ёрдамчи ишлар ҳам аниқ тақсимланади. Умуман, спектаклни пишитиб, ҳар томонлама етук ҳолда томошабинга кўрсатиш керак. Спектакль кўрсатилаётганда актёр учун янги бир ҳолат, яъни томошабин уни қандай қабул қилиш ҳолати туғилади.

Бунда ижро этаётган ролга нисбатан томошабиннинг фикр-мулоҳазаларини, албатта, ҳисобга олиш лозим. Томошабинлар аксари содир бўлаётган воқеаларнинг мазмунигагина эмас, балки кўғирчоқларнинг “жонланишига” нисбатан ҳам фикр-мулоҳаза юритадилар. Томошабинлар кулишса, ёки бошқа йўл билан ўз ҳаяжонларини билдиришса, ижрочиларга биров кутиб туриш керак бўлади, акс ҳолда томошабинлар зарур гапларни эшитмай қолишлари мумкин. Спектакль қанчалик пухта тайёрланган бўлса, шунчалик узоқ умр кўради.

Бир спектакль такрор-такрор қўйилганда роллар механик тарзда ижро этилмаслиги керак. Спектакль куни қўғирчоқсиз репетиция ўтказиш фойдалидир. Бунда ижрочини ўз талаффузига сўзларни аниқ ва дона-дона ифодалашга эътибор бериш керак, чунки бу пьеса мазмунининг тўла очилишига ёрдам беради. Спектаклда янги ижрочининг қатнашиши жуда муҳимдир. Спектаклнинг бошиданоқ бир ижрочи ўрнига иккинчи ижрочи тайинлашни назарда тутмоқ керак. Улар бир-бирларига ёрдам бериб, ҳамма репетиция ва спектаклларда қатнашиши шарт.

5. “Ур тўқмоқ” эртаги.

Ўзбек халқ эртаги асосида эртак баёни.

I қисм.

Бошловчи- Бир бор экан, бир йўқ экан Олатоғ этагида бир чол билан кампир яшар экан, улар парранда овлаб, кун кечирар эканлар. Кунлардан бир кун чолнинг тузоғига каттакон лайлак илинибди. Чол уни тузоғидан чиқарган экан лайлак тилга кирибди.

Лайлак- Ота, мени қўйиб юборинг, мен лайлакларнинг бошлиғи бўламан, нима сўрасангиз бераман.

Чол- Сени қандай топаман.

Лайлак- Олатоғнинг орқасида ўтиб кимдан сўрасангиз уйимни айтиб беради.

Бошловчи- Чол лайлакни қўйиб юборади.

Лайлак- Яхшилигингизни унутмайман.

Бошловчи- деб лайлак учиб кетибди.

II қисм.

Бошловчи- Баҳор яқинлашиб тузоққа ҳайвонлар илинмай қолибди. Чол лайлаквойни эслаб.

Чол- Бир бориб келай, нима бўлар экан.

Бошловчи- Олатоғдан ошиб ўтиб йўлда йилқичиларни учратибди.

Чол- Лайлаквой “Сўраганингизни бераман” деб ваъда қилган эди, нима сўрай?

Йилқичилар- Очил дастурхонни сўранг отахон.

Бошловчи- Чол лайлаквойнинг уйига етибди.

Чол- Ассалому алайкум лайлаквой ваъдага биноан олдингга келдим.

Лайлак- Истаганингизни сўранг менга яхшилиқ қилганларни қуруқ қайтармайман.

Чол- Менга “Очил дастурхон”ни берсанг.

Лайлак- Мана олинг, ота.

Бошловчи- Чол “Очил дастурхон”ни олиб орқасига қайтибди, йўлда бир қорни катта бойни кўрибди. Йўл юриб чарчаган чол бойга.

Чол- Биродар, мана бу дастурхонимдан хабардор бўлиб туринг, мен бироз ухлаб олай. Лекин “Очил дастурхон” дея кўрманг.

Бой- Хўп.

Бошловчи- Чол уйкуга кетибди.

Бой- Очил дастурхон.

Бошловчи- Шунда дастурхон очилиб бойни олдида 70 хил овқат тайёр бўлибди. Бой шошиб қолибди ва дастурхонни уйига киргизиб бошқа дастурхонга алмаштириб ҳеч нима билмагандек келиб ўтирибди. Чол уйқудан уйғониб бойга раҳмат айтибди. Уйга қайтибди ва кампирга бўлган воқеани сўзлаб берибди.

Чол- Очил дастурхон.

Бошловчи- Дастурхон очилмабди. Чол аччиқланибди.

Чол- Лайлак мени алдабди.

Бошловчи- Кампири олдида жуда хижолат бўлибди.

III қисм.

Бошловчи- Чол яна лайлак олдида кетаётиб йилқичиларга дуч келибди.

Йилқичилар- Отахон сиз лайлакдан “Қайнар хумча”ни сўранг.

Бошловчи- Чол лайлак олдида борибди.

Лайлак- Сизга яна нима керак.

Чол- Менга “Қайнар хумча”ни берсанг.

Бошловчи- Лайлак унга “Қайнар хумча”ни берибди. Чол кетаётиб бойни учратибди. Бой хурсанд бўлиб.

Бой- Отахон жуда чарчабсиз, бир мизғиб олинг. Хумчангизга мен қараб тураман.

Чол- Яна “Қайнар хумча” дея кўрманг.

Бой- Йўғ-е, ота, хотиржам бўлинг.

Бошловчи- Чол уйкуга кетиши билан.

Бой- Қайнар хумча.

Бошловчи- Деса хумчадан тиллалар қайнаб чиқаверибди. Бой хумчани алмаштириб қўйибди. Чол уйғониб хумчани кўтариб кампири олдида борибди.

Чол- Кампир бир аломат хумча олиб келдим. Лайлак жуда сахий экан.

Чол- Қайнар хумча.

Бошловчи- Хумча қайнамабди. Чол хуноб бўлибди.

Чол- Лайлак мени яна лақиллатибди.

IV қисм.

Бошловчи- Чол яна лайлак олдида кетаётиб йилқичиларга дуч келибди.

Йилқичилар- Энди отахон “Ур тўқмоқ”ни сўранг.

Бошловчи- Чол лайлакнинг олдида борибди.

Чол- Лайлаквой мен сендан арзимаган бир нарса сўрайман холос. Менга “Ур тўқмоқ”ни бер.

Бошловчи- Лайлак уни илтимосини қайтармай “Ур тўқмоқ”ни берибди. Чол яна ўша бойга дуч келибди.

Чол- Мен дам олай сиз тўқмоққа қараб туринг. Лекин “Ур тўқмоқ” дея кўрманг.

Бой- Хўп.

Бошловчи- Чол ухлаши билан

Бой- Ур тўқмоқ.

Бошловчи- Шунда тўқмоққа жон кириб бойни роса дўппослаб кетибди. У додлаб ҳар томонга қочар экан.

Бой- Жон ота тўқмоғингизни тўхтатинг. “Очил дастурхон”ингизни ҳамда “Қайнар хумча”нгизни ҳам қайтариб бераман. Тавба қилдим. Тўқ-моғингиз роса таъзириمني берди.

Бошловчи- деб ёлворибди. Шунда чол

Чол- Тур, тўқмоқ.

Бошловчи- Тўқмоқ бойни уришдан тўхтабди. Бой дарров дастурхон ва хумчани олиб чолга берибди. Чол хурсанд бўлиб уйига қайтибди ва кампирга олиб келганини кўрсатибди.

Чол – Очил дастурхон.

Бошловчи- Дастурхонда нозу-неъматлар пайдо бўлибди, чол ва кампир мазза қилиб овқатланибди.

Чол- Қайна хумча.

Бошловчи- Хумчадан тиллалар қайнаб чиқаверибди, кампир жуда хурсанд бўлибди. Шундай қилиб чол билан кампир қолган умрларини роҳат-фароғатда ўтказишибди.

6. Янги йил томошаларини сахналаштириш.

Янги йил сахнаси.

I қисм.

Ташландиқ кулба, кулбада жодугар кампир ухляпти унинг ёнига тулки билан бўри турибди.

Жодугар кампир-Хур-хур-хур...

Бўри-Ором олинг кампиржон.

Жодугар кампир- (Хуррак отади) Хур-хур-хур...

Тулки- Вой-вой бирам ёқимли хуррак отаяпсизки, бунақа овоз бу оламда якка ўзингизда бўлса керак.

Жодугар кампир-Уф, жим бўлинглар, уйқумга халақит беряпсизлар, ярамаслар.

Тулки - Йўқ-йўқ, биз сизга халақит бераётганимиз йўқ. Ҳозир мен сизнинг қўлларингизни уқалаб қўяман.

Бўри -(Югуриб жодугар кампир супургисини олиб келади.)

Тулки -Ҳой-ҳой, ярамас нима қияпсан, ахир бу билан уқалаб бўлмайди-ку. (Бўри ўзини уқаламоқчи бўлади, тулки унга йўл қўймай тортишиб қолишади.)

Бўри -Нимага?

Тулки -Нимага эмиш, бу кампирнинг супургиси-ку, агар бузилиб қолса кампир жонингни олади.

Бўри - Менга қара тулкихон сен қачондан бери кампирга хушомад қиладиган бўлиб қолдинг.

Жодугар кампир -Хур-хур-хур.

Тулки -Қўйсангчи бу гапларни бўривой.

Бўри -Сени биламан ҳеч фойда чиқмайдиган ишга қўл урмайсан. Нима бало кампирда бирор ишинг борми дейман?

Тулки -Ростини айтайми?

Бўри -Айтавер.

Тулки -Ҳеч кимга чурқ этмайсанми?

Бўри - Ҳеч кимга чурқ этмайман.

Тулки –Яқинроқ кел. Ҳозир қиш пайти, яшаш қийин, совуқда овқат қидириш кимга ёқар эди. Бир аммалаб қишдан чиқиб оламанда баҳор келиши билан жўнаб қоламан.

Бўри -Иккаламининг ҳам ташвишимиз бир экан.

Тулки -Ундай бўлса, (секин қулоғига) кампирни ўлдирасан.

Бўри - (Қўркиб) Вой, қўйсангчи, бу кампирни ўлдириш осон эканми?

Жодугар кампир -Ҳа, намунча тепамда мингирлайсанлар?

Бўри -Ҳой кампир, кампиршо,

Тулки -(Қўркиб) Жим.

Бўри -Эшитдингми, янги йил келар экан.

Жодугар кампир -Ким?

Бўри -Эй, ким бўларди янги йилда.

Жодугар кампир -(Ваҳимага тушади) Нима дединг? Янги йил. Ҳа Қорбобо келиши билан бизнинг ишимиз юришмай қолади. Лаънати қорбобо келади-да, болаларни яхши ўқишга, меҳнаткаш бўлишга, аҳил бўлишга чорлайди. Мен бўлсам урушқоқ, ялқов болаларни яхши кўраман. Ўйланглар бирор чорасини топиш керак. Топдим (уччаласи пичирлайди кейин қўшиқ айтишади.)

Арча байрам йўқ бўлсин, йўқ бўлсин.

Бизнинг кўнгил тўқ бўлсин, тўқ бўлсин.

Ваха-ха, ваха-ха, ваха-ха.

Қорбобонинг совға қопи гум бўлсин, гум бўлсин,

Совға берган болакайлар жим бўлсин, жим бўлсин.

Ваха-ха, ваха-ха, ваха-ха.

II қисм.

Чиройли қилиб безатилган арча.

Айиқ-Вой-вўй ҳали ҳам қорбобо келмабди-ку. (бирдан қуёнча чиқади.)

Қуён-Салом, айиқ полвон. (қўлида сабзи билан)

Айиқ -Салом, ие, сен кўрқоқ қуёнмисан. Ҳа, кимни қидириб юрибсан.

Қуён -Қорбобо билан ўрмон ҳайвонларини кутаяпман, мен қорбобога сабзи совға қиламан.

Айиқ -Мен қорбобога асал совға қиламан.

Қуён -Сенинг асалингдан мени сабзим ширин.

Айиқ -Сенинг сабзингдан менинг асалим ширин. (ялайди.) Оҳ мазза.

Қуён -Йўқ сабзи ширин.(тишлайди.)

(Иккаласи мақтаниб еб қўйишади.)

Айиқ -Қуёнча кел, сен менинг асалимни еб кўр, мен сенинг сабзингни ейман.

Қуён -Вой, энди нима қиламан, сабзимни еб қўйибман.(Йиғлайди.)

(Шу пайт икки ўқувчи чиқади)

1-ўқувчи- Салом айик полвон, салом қуёнча.

Айик -Салом

2-ўқувчи-Қуёнча нега йиғлаяпсан, нега хафасан?

Айик -Қорбобога сабзи совға қилмоқчи эди, совғани еб қўйди.

1-ўқувчи -Хафа бўлма қуёнча бирорта шеър айтиб берасан.

Айик -Кимдир келаяпти (хамма бир четга туриб бир томонга қараб туради.)

Жодугар кампир -Ау, ау, ау... Сизлар ўрмон ҳайвонлари билан қорбобони кутяпсизларми. Ха-ха-ха... Улар келмайди. Мен уларни келмайдиган қилиб қўйдим.

1-ўқувчи -Ундай дема, мана сен даврамизга келибсан, биз билан ўйнаб кул. Янги йилни кут. Ўрмон ҳайвонлари билан қорбобони қўйиб юбор.

Жодугар кампир -ундай бўлса мен сизларга шарт қўяман. Агар бажара олсаларинг шундагина қўйиб юбораман.

2-ўқувчи -Болалар ўрмон ҳайвонларисиз қандай янги йилни кутамиз? Келинглار яхшиси жодугарнинг шартларини бажарайлик. Бажарамизми? (Болаларга қараб айтади.)

Болалар: (Бир овозда) Бажарамиз.

Жодугар кампир-Шундай қийин топишмоқлар айтай-ки, сизлар ҳеч қачон тополмайсизлар.

(Арча атрофида айланиб)

1. Элакдан ун эланади,

Супра унга беланади.

(“Қор” деб қичқирди болалар)

Сизлар ақлли болалар экансизлар.

2. Ёзда ҳам, қишда ҳам

Бир хил кийимда.

(Болалар “Арча” деб қичқиради)

Ўқувчи-Мана биз сенинг шартларингни бажардик. Энди сен ўрмон ҳайвонлари билан қорбобони қўйиб юбор.

Жодугар кампир -(Арча атрофидан уч марта айланади) Хи, хи, хи ... Ажуз-мажуз, табарам-шабарам, куф-суф.

Қорбобо деб қичқирдилар.

Болалар: Қорбобо. (Уч марта қичқиришади)

Қорбобо ўрмон ҳайвонлари билан кириб келади.

Болалар: Ура, деб қичқиришади, залдаги болалар чапак чалишади.

Қорбобо -Ассалому алейкум, болажонларим. Янги йилингиз кутлуғ бўлсин! Янги йилда фақат 4 ва 5 баҳоларга ўқишингизни тилайман. Ҳаммангиз доимо соғ бўлинг, оилаларингизга ёрдамчи, укаларингизга меҳрибон бўлинг.

1-ўқувчи - Қорбобожон қорбобо,

Биз сизга хумор бобо.

Очинг сирли халтани,

Унда нима бор бобо.

Қорбобо - Болажонларим болажон,
Ақиллигим жонажон.
Менинг сирли халтамда
Совға бордир бир жаҳон.

Жодугар- (Югуриб бориб қопни ўғирлайди.)

Айиқ - Ўрмонда бўлганмисиз,
Айиқни кўрганмисиз.
Устида пўстини бор,
Писанд эмас, унга кор
Мен унинг наслиданман,
Айиқнинг аслиданман.
Отамдан қолди пўстин,
Ўша пўстин менга тўн.

Хўроз- Тураман тонгни бошлаб,
Мен ётмайман ёнбошлаб,
Қичқираман Қув-қув-қув...
Эшитинг қўшиғим бу қув-қув-қув...

Қорбобо -Қани, чапак чалайлик совғалар улашайлик.

1-ўқувчи -(Арчани ёнига югуриб келади.) Вой бобожон совғалар йўқ-ку.

Қуён -Бобожон бу жодугар кампирнинг иши.

Айиқ -Ҳали замон шу ерда юрган эди.

Қорбобо -Хафа бўлманглар ширинтойларим, қани менинг сеҳрли ҳассамни олиб берингларчи.

(2-ўқувчи қорбобонинг ҳассасини олиб келади.)

Қорбобо -Қани бир четга ўтинглар, ҳассани уч ерга уради. (шу пайт жодугар кампир, тулки, бўри титраб кириб келадилар.)

Қорбобо -Хўш, нияти бузуқлар, қани яқинроқ келинглари,

Жодугар кампир -Қор-бо-бо,

Бўри -Энди аҳвол чатоқ.

Тулки -Вой, сизмисиз, қорбобожон.

Жодугар кампир -тулки-бўри-(Ҳаммаси) Бизни кечиринг, энди ҳеч қачон, ҳеч кимга озор бермаймиз.

Қорбобо -Кечирамизми буларни.

2-ўқувчи -Йўқ, бизнинг ҳам шартимиз бор, биттадан шеър айтишсин, шунда даврамизга қўшамиз.

Бўри -Болалар сизлар билан ўйнаб, кулгим бор, лекин жодугар кампир бермас ихтиёр.

Жодугар кампир -Ха, сеними шошмай тур (қувади.)

Ёмонлик ўргатиш одатим,

Лекин бу борада келмади омадим.

Тулки -(Хушомад қилиб).

Мен тулкиман айёрман,

Айёрликка ўтаман.

Барини билиб олдим,

Мен яхши бўлиб қолдим.

Қорбобо -Мана азиз болажонларим доимо аҳил иноқ бўлсаларингиз сизларни ҳеч қандай куч енга олмайди. Энди мен сизлар билан хайрлашаман.

Ҳамма-Хайр, хайр бобожон,
Боболардан жона-жон.
Тугамасин совғангиз
Омон бўлингиз.

Янги йил томошаларини пьесаси билан таништириш, ролларни тақсимлаш, ҳайвонлар, ялмоғиз, қорбобо, қорқизларнинг образлари сўзларини ёд олиш, уларни ифода этиш ва уларни ижро этиш, мусиқа жўрлигида қўшиқлар айтиш, спектаклни тўлиқ намоиш этиш мақсадга мувофиқдир.

7. А.Обиджоннинг “Одобли бўлиш осонми?” эртаги.

Эртак сценарияси билан таништириш ва ролларни тақсимлаш тартиби. Эртакни намоиш этиш тартиби.

А.Обиджоннинг “Одобли бўлиш осонми?” эртаги орқали сахна намоиши. Бу эртакда сичқонча ва сичқон, мушук, эчки, ташбақа, олапар, тўрткўз иштирок этади. Сичқонча боласига яъни сичқончага одоб сақламоқчи бўлиб дуч келган ҳайвонга салом беради. Яхши қабул қилгани раҳмат деса, ёмон қабул қилгани жеркиб берибди. Хафа бўлган сичқончага эчки бўри йўл кўрсатади ва дўстларидан хафа бўлмасликка ўргатади. Мазкур машғулотда тўғарак аъзоларига эркин ишлашлари учун имкониятлар берилади.

8. “Лайлак ва Тулки” ўзбек халқ эртаги.

“Лайлак ва Тулки” эртагининг сценарияси. Ўзбек халқ эртаги асосида эртак баёни.

Бошловчи-Бир куни Тулки Лайлакни зиёфатга чақирибди. Тулки шовла қилиб, лаганга сузиб ўртага қўйибди.

Тулки- Қани, Лайлаквой, олинг таомдан.

Бошловчи-Лайлак тумшуғини лаганга урибди, аммо оғзига ҳеч нарса илинмабди. Лайлак қанча уринмасин ҳеч нарса ея олмабди.

Лайлак-Раҳмат Тулкивой, ўзингиз олаверинг, менинг қорним тўқ.

Бошловчи-Шунда Тулки лагандаги шовланинг ҳаммасини ўзи ҳузур билан еб тугатибди. Лайлак очдан ўладиган бўлиб, уйига қайтибди. Эртаси куни Лайлак Тулкини меҳмонга чақирибди. Тулки Лайлакникига келибди. Лайлак совиқ овқат қилибди-да, кўзага қуйиб, дастурхонга қўйибди.

Лайлак-Қани, Тулкивой! Овқатдан олинг.

Бошловчи-Тулкини овқатга талиф қилибди. Тулкивой бўйнини чузиб, ҳарчанг ўринса ҳам ея олмабди.

Тулки-Қани, Лайлаквой, ўзларидан бўлсин! Менинг қорним тўқ.

Бошловчи- Шунда Лайлак кўзанинг ичига тумшуғини тикиб, хотиржам овқатни ея бошлабди. Лайлакнинг бир ўзи овқатни ичиб, қорнини тўйғазиб олибди.

Тулки-“Ҳа, бопладинг-ку!”. Лайлаквой, дўстим, эртага бизникига бор. Бир ғалати ўйин бор, шуни ўйнаймизми.

Бошловчи- Лайлак эртасига Тулкиникига борибди.

Лайлак-Қани, нима ўйининг бор, кўрсат.

Тулки-Эй, дўстим, сен менинг устимга чиқ. Мен сенга ҳали шу пайтгача кўринмаган жойларни кўрсатаман.

Бошловчи-Лайлак Тулкининг устига чиқиб ўтириб олибди.

Тулки-Дўстим, икки қанотингни устинга ёзиб, икки учини менга тишлатиб қўй, мен баланд ерлардан ирғисам, йиқилмайсан.

Бошловчи-Лайлак икки қанотидан Тулкига тишлатиб қўйибди. Шунда Тулки Лайлакнинг икки қанотидан тишлаб қайерда дўлана, тиконли тўқай бўлса, ўшанинг ичига кириб юраверибди. Лайлакнинг қанотлари шилиниб, қип-қизил гўшт бўлиб қолибди. Шунда Тулки тўхтаб, Лайлакни устидан туширибди. Лайлак Тулкига шундай дебди:

Лайлак-Раҳмат, Тулкийой, бўлганимча бўлдим. Ўйин шунчалик бўлади, бундан ортиқ бўлмайди.

Бошловчи-Шундан кейин Лайлак дарёларнинг бўйида курбақаларни ушлаб еб, қирқ кун ўзини парваришлабди. Ухлаб дам олиб, уйига қайтиб келибди. Қирқ кунда Лайлакнинг патлари ҳам қайта ўсибди, буткул тузалибди ва Тулкининг олдида учиб келибди.

Лайлак-Дўстим, Тулкийой! Омон-эсон юрибсанми? Бизникига бор. Сен менга яхши ўйин кўрсатгандинг. Мен ҳам сенга ғалати ўйин кўрсатаман.

Бошловчи- Тулки Лайлакникига борибди.

Лайлак-Қани, дўстим, устимга чиқ.

Бошловчи- Тулкини устига ўтказиб олибди-да, осмонга олиб чиқибди. Шундан Тулкидан:

Лайлак- Ер кўриняптими?

Тулки-Ҳа кўриняпти,

Бошловчи-Лайлак яна ҳам баландроқ кўтарилиб учибди. Бир соатдан сўнг Лайлак яна Тулкидан:

Лайлак-Тулкийой, ер кўриняптими?

Тулки-Йўқ, кўринмаяпти,

Лайлак-Энди манзилга яқинлашдик. Бу қанотим толди, энди бу қанотимга.

Бошловчи-Тулки секин қўзғалиб, Лайлакнинг у қанотидан бу қанотига ўтай деганда, Лайлак ағдарилиб, Тулкининг оёғини осмондан қилиб юборибди. Тулки осмонда айланиб – айланиб боши билан ерга тушиб, тил тортмай ўлибди.

Шундай қилиб, айёр Тулки ўз қилмишига яраша жазосини олибди.

Эслатма: *Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кўғирчоқ театри тўғараги раҳбарлари юқорида режалаштирилган эртакларни айнан тўғарак фаолиятига татбиқ этиши шарт эмас, балки бошқа жаҳон ва бошқа мамлакатлар эртаклар дурдоналаридан ўз имкониятларига кўра фойдаланишлари ҳам мумкин.*

“Қўғирчоқ театри” тўгарагининг иккинчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси.

1. Қўғирчоқлар ўйини.

Қўғирчоқ ўйини жонсиз, забонсиз, оддий қўғирчоқлар воситасида инсон ҳаёти, муносабатлари, ахлоқи, одатларини бадиий, ҳаққоний ва жозибали қилиб намоиш этиш мўжизага ўхшайди. Қўғирчоқ театри Ўзбекистонда ҳам қадим замонлардан ривож топиб келган. Бизда “Қўғирчоқ ўйини” деб юритилувчи бу санъатнинг, хусусан, қўлга кийиб ўйнатиладиган, ип билан бошқариладиган ва сояси тушуриладиган турлари ўтмишда кенг тарқалган. Улар “Чодир жамол”, “Чодир ҳаёл” ва “Фонус ҳаёл” деб аталган.

2. Тўғарак аъзоларининг нутқи устида ишлаш.

Тўғарак аъзоларининг нутқи устида ишлаши, тоза талаффузга эришиш, қаҳрамон образига мос овоз танлаш ва уни ижро этиш йўллари ўргатилади. Тўғарак аъзоларини овози ҳар хил бўлади йўғон ва ингичка қўғирчоқларга эса бажариладиган ролига қараб овоз берилади. Қуйидаги машқларни ҳам бажариш мумкин:

Ҳаво тўлкини овоз пайчаларида пайдо бўлган товушни оғиз, бурун бўшлиғи томон йўналтиради. Бу ерда гапирувчи эҳтиёжига кўра, ҳаво оқими турли тўсиқларга учраб, аниқ зарурий нутқ товушлари пайдо қилади.

Унли товушлар оғиз бўшлиғида ҳеч қандай тўсиққа учрамайди, фақат лаб, жағ, тилнинг турлича шаклланиши натижасида пайдо бўлади. Талаффуз этилганда ҳаво оғиз бўшлиғида тўсиқларга учрамай, овоздагина ҳосил бўладиган товушлар унли товушлар деб аталади.

Алифбода олтита унли товуш мавжуд.

Булар: а, о, и, у, ў, э

Унлиларни тўлиқ нафас олган ҳолда, нафас тугагунга қадар айтиш керак. Масалан, аааааааааа.

Бунинг учун қоринга тўлдириб нафас олиб, нафас тугагунга қадар унли товуш чўзиб айтилади. Машқлар шу зайлда давом эттирилади.



Эслатма: Шунинг алоҳида таъкидлаш лозимки, қўғирчоқ театри тўғараги раҳбарлари юқорида режалаштирилган эртакларни айнан тўғарак фаолиятига татбиқ этиши шарт эмас, балки бошқа жаҳон ва бошқа мамлакатлар эртаклар дурдоналаридан ўз имкониятларига кўра фойдаланишлари ҳам мумкин.

3. Қўғирчоқларни ўйнатишда қўл ҳаракатлари.

Қўғирчоқларни ўйнатишда, яъни қўлга кийдириб ўйналадиганлар учун кўрсаткич бармоқ бош қисмига, бош ва ўрта бармоқларга қўл қисмлари жойлаштирилади. Ҳаракатлар эса олдинга, ёнига, орқага ва эгилиб бажарилиши мумкин, бунинг барчасида қўл ҳаракатлари муҳим ўрин тутди. Қўғирчоқ театри актёри учун энг зарур бўлган йўналиш бу унинг қўл ҳаракатчанлигидир. Ҳақиқатдан ҳам инсон хатти-ҳаракатининг энг фаол ижрочиси бўлган қўл қўғирчоқ театрида ўзининг мўжизакорлиги, сеҳргарлик кучини янада яққол намоён қилади. Драматург асаридаги киёфа-лар мусаввир ва қўғирчоқ устасининг ижодий кўмагида дунёга келган қаҳрамонлар қўғирчоқ театри актёри қўли билан жонланиб, мантиқли, мақсадли хатти-ҳаракатга мойил қилинади. Бу ўз ўрнида қўғирчоқ театри актёридан қўлларининг нақадар ҳаракатчан, чиниққан, чидамли бўлишини тақозо этади. Шунинг учун қўғирчоқларни катта маҳорат билан бошқариб, турли мантиқли хатти-ҳаракатлар содир қилиш билан бирга, қўл яланғоч ҳолда, қўлқопли ҳолатда ёки думалоқча кийган ҳолатда турли ҳаракатларни амалга ошириб, турфа образлар яратади ва бой имкониятларини намоён этади. Демак қўғирчоқ театри актёрнинг қўл ҳаракатчанлиги чексиз имкониятларга эга бўлиши керак.

Пьеса билан таништириш ва ролларни тақсимлаш.

Ишни пьеса танлаш, уни тасдиқдан ўтказиш, тўғарак аъзолари билан пьесани тўлақонли таҳлил қилиш, рассом билан пьесани декорация ва қўғирчоқларни эскизини тайёрлаш ва тасдиқлашдан бошлаш лозим. Шунингдек тайёр эскизларни қўғирчоқ ясаш устахонасига уларни тайёрлаш учун топшириш зарур бўлади. Шундай қилиб, тўғарак аъзолари учун танланган пьеса яхши драматургияга асосланган замон талабига жавоб бера оладиган, чуқур ғояли бўлиши керак. Албатта спектакл тўғарак аъзоларининг имкониятидан келиб чиққан ҳолда танланади. Асарнинг энг асосий томонларидан бири спектаклда тўғарак аъзоларининг ижодий имкониятларини тўлақонли очиб бера оладиган турли хил характерли образлар бўлиши шарт. Чунки тўғаракда таълим олаётган ҳар бир ўқувчи ўзининг ижодий томонларини оча оладиган образга эга бўлмоғи даркор. Демак спектакл яратишда режиссёр, рассом, қўғирчоқ устаси, композитор ва бутафорлар ҳамкорликда ишлайди.



4. “Олтин тарвуз” эртаги.

Бошловчи: Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан, қадим ўтган замонда бир чол билан кампир бўлган экан. Бир куни чол кампирга;

Чол: Кампир мен бир далаларни айланиб таморқамиздаги ўтларни чопиб келай.

Кампир: Майли борақолинг.

Бошловчи: Чол кетмонни олиб йўлга тушибди. У далада анча иш қилибди. Шу пайт олдиға бир лайлак келиб тушибди. Чол уни олиб у ёқ бўёғини кўрибди. Лайлакнинг бир қаноти синган экан. Лайлакка жуда ичи ачинибди.

Чол: Вой сени ким шу ахволға солди?

Бошловчи: Чол лайлакни уйига олиб кетибди.

Кампир: Вой, шўрим лайлаквой сенга нима бўлди.

Бошловчи: Чол кампир уни кечаю–кундуз даволашибди. Лайлак кундан-кун соғая бошлабди. Куз келиб лайлак учиб кетмоқчи бўлибди ва чолға тарвуз уруғини бериб, баҳорда экишни тайинлабди, лайлак учиб кетибди. Баҳор келиб чол уни экибди. Тарвуз кундан–кун катта бўла бошлабди. Чол кетмонини кўтариб томарқасига кетибди. Қараса тарвуз катта бўлиб пишган экан.

Кампир: Вой-ву тарвузнинг катталигини буни уйимизға олиб бориб ўша ерда сўямиз.

Бошловчи: Улар тарвузни кўтариб уйларига олиб боришибди ва уни сўйишибди. Тарвузнинг ичидан тиллалар чиқибди. Чолнинг бир хасис бой қўшниси бор экан. Уларни кундан-кун бойиб кетганини кўриб чолдан сўрабди:

Бой: Хой чол қандай қилиб бойиб кетдинг?

Бошловчи: Чол бўлган воқеани айтиб берибди. Кунлар кетидан ойлар ўтиб лайлаklar учиб келадиган пайт бўлибди. Бой далаға чиқиб қўлиға бир катта калтакни олиб пойлаб турибди. Шу пайт лайлаklar учиб ўтиб қолибди. Калтакни отган экан бир лайлакнинг оёғига тегиб қаноти синиб тушибди. Бой роса хурсанд бўлибди.

Бой: Ха-ха-ха мен ҳам бойиб кетадиган бўлдим. Энди сени уйимға олиб бориб даволайман.

Бошловчи: Бой уни уйига олиб бориб даволай бошлабди. Кунлар кетидан кунлар ўтиб, лайлак соғайибди. Лайлак унга ҳам тарвуз уруғини бериб баҳорда экишни тайинлабди. Баҳор келиб бой ҳам тарвуз уруғини далаға олиб бориб экибди. Тарвуз уруғи кундан-кун катта бўлибди.

Бой: Вой мени тарвузим катталигини. Бундай тарвуз хали ҳеч кимда бўлмаган. Буни уйимға олиб бориб сўяман.

Бошловчи: Бой тарвузни кўтариб уйига олиб борибди. Ҳамма эшикларни, деразаларни беркитиб тарвузни сўйибди. Тарвузни ичидан тиллалар эмас арилар чиқиб бойни талаб кетибди. Бойни ҳамма жойи шишиб чиқибди. Мана кўрдиларингми азиз болажонлар яхшиликка яхшилиқ, ёмонликка ёмонлик қайтади.

5. “Зумрад ва Қиммат” эртагининг сценарияси.

Ўзбек халқ эртаги асосида эртак баёни

Бошловчи - Бир замонларда катта бир сой бўйида кичкина бир уй бўлган экан. Бу уйда чол, унинг Зумрад деган қизи, ўғай она ва унинг Қиммат деган арзанда қизи турар эканлар. Капирнинг Зумрад деган ўғай қизини кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ экан. У ҳадеб қизини уриб, қарғаб эртадан-кечгача ишлатаркан, бечорага бирпас ҳам тинчлик бермас экан. Зумрад ниҳоятда чиройли, одобли, мулойим, ақилли қиз экан. Уни бир кўрган киши яна кўрсам деб орзу қилар экан. Хуллас, у жуда ажойиб қиз экан. Зумрад эрталабдан барвақт кўзасини кўтариб, сой ёқалаб булоқ бошига бораркан, йўлда учраган лола гуллар бошларини эгиб, унга салом берарканлар. Зумрад майсалар устига ўтириб дам олганида гуллар уни олқишлар, булбуллар қувониб унга ҳикоялар айтиб берарканлар. Аммо худди шу гуллар кампирнинг арзандасини севмас, уни эркаламас эканлар, чунки бу қиз уларни юлиб ташларкан, хўшбуй гулларни ҳидсиз деб тепкилар экан. Шунинг учун ҳам улар Қиммат келаётган бўлса, қовоқларини солиб, юмилиб қоларканлар. Бир куни кампир Зумрадни ёмонлаб, чолга дўқ урибди.

Кампир - Қизинг, беодоб, ишёқмас, уни ҳайдаб юбор! Бўлмаса сен билан бир нафас ҳам бирга турмайман!

Бошловчи - Чол нима қиларини билмай қолибди.

Кампир - Қизингни ўрмонга обориб адаштириб кел!

Бошловчи- Чол қизини адаштириб келиш учун тоғ-тошларни кезиб, бир ўрмонга борибди. Ота-бола ўрмон ичида узоқ юришибди. Охири куюқ сояли бир жойга бориб тўхташибди. Кейин чол ўтин кесгани кетибди. Зумрад ёлғиз қолибди. Шу пайт бирдан кучли шамол кўтарилибди. Чол эса ўрмондаги бир катта дарахтга болтасини осибди-да, унга оғирроқ тош боғлаб, қаттиқ итариб юборибди. Болта у ёқдан-бу ёққа урилиб тўқиллайверибди. Шамол кучайгандан кучайибди. Болта шамол кучи билан узоқ вақт дарахтга урилиб “тўқ-тўқ” қилиб товуш чиқарибди. Зумрад “отам ўтин кесаётибди” деб ўйлаб, отасини анчагача кутибди. Кеч бўлибди, отасидан дарак бўлмабди. Шамол тўхтабди. Қиз ўрмондаги чучмўмаларни териб юриб, бехосдан болта осилган дарахт тагига бориб қолибди. Қараса, отаси йўқ эмиш.

Зумрад- Вой шўрим курсин. Вой, отажон?!

Бошловчи- Зумрад тўрт томонга югурибди, бироқ отасини тополмай, қиз адашиб қолибди. Ўрмон унга янада ҳам ваҳимали бўлиб кўринибди. Қиз қаёққа боришини билмай, охири кичик бир сўқмоқдан кетаверибди.

Зумрад узоқ йўл босибди. Қоронғида гуллар унинг йўлини ёритибди. Кетатуриб бир вақт қараса, узоқда милтиллаган чироқ кўриниб, итнинг хургани эштилибди. Қиз ўша томонга юриб кичик бир уйчага етибди. Уйнинг деразасидан қараса, бир кампир ўтирган эмиш. Қиз севиниб, кампир олдида кирибди.

Зумрад- Ассалому алайкум, бувижон. Мен ўрмонда адашиб қолдим, уйингизда бир кеча қолсам майлими?

Кампир- Ваалайкум ассалом, келакол қизим.

Бошловчи- Зумрад бошидан кечирган воқеаларни кампирга бирма-бир айтиб берибди. Уйига шундай чиройли қизчанинг келганини кўрган кампир жуда қувонибди. Бу кампир ўрмонда яшайдиган сеҳргар кампир экан. Кампир қизнинг йиғлаганини кўриб:

Кампир- Кўп ҳафа бўлма, қизим, сенга ёрдам бераман,

Зумрад- Раҳмат! Мен сизни ўз бувимдек яхши кўриб қолдим. Буюрган ишингизни жоним билан қиламан,

Бошловчи- Шу чоқ кампирнинг уйи тепасида жуда кўп қушлар йиғилибди, улар қизчани мактаб сайрашибди. Қушлар тилини билган сеҳргар кампир яна ҳам қувонибди, ҳосиятли қизга дунёда топилмайдиган расмли китоб ва кўғирчоқлар берибди

Кампир- Оппоқ қизим, ширин қизим! Дўмбоғим мунчоғим!

Бошловчи-деб қизни бошини силаб эркалабди. Улар шу зайлда яшашибди. Кампир қизчани яхшилаб парвариш қилибди. Зумрад озода қиз бўлгани учун уйни супуриб-сидириб, ойналарини артиб суртиб, ҳаммаёқни чиннидай қилиб кўяр экан. Буни кўриб кампир яна ҳам қувонар экан.

Кампир- Томдан ўтин олиб туш, қизим.

Зумрад- Хўп бўлади, бувижон.

Бошловчи- Том баланд экан, унда ҳаммаёқ кўринар экан. Қиз атрофга қараб туриб, бирдан ўз уйининг томини кўриб қолибди. Юраги орзиқиб йиғлаб юборибди. Буни кўрган кампир:

Кампир- Нега йиғлаяпсан, жон қизим?

Зумрад- Кўзимга уйим кўринди, отамни соғиндим,

Кампир- Нарсаларингни йиғиштир, қизим! Пастга туш. Ертўлага тушсанг қизил ва оқ сандиқ бор, оқ сандиқни қолдириб, қизил сандиқни олиб чиқ. Мен сенга шу сандиқни совға қиламан!

Бошловчи- Кампир ўрмонга кириб кетибди. Бир оз вақтдан кейин ўрмондан саман от қўшилган бир арава етаклаб чиқиб, қизни аравага ўтқазибди.

Кампир- Қизил сандиқни уйга боргандан кейин оч! – деб кампир қизга бир калит берибди.

Бошловчи- Қиз кампир билан қайта-қайта хайрлашиб йўлга тушибди. Бир зумда арава қизни уйи олдида ҳозир бўлибди. Шу пайтда ўз эшиги олдида чол қизини соғиниб, унинг дардида йиғлаб ўтирган экан. Қиз меҳрибон отасини кўриши билан:

Зумрад- Ассалому алайкум, отажон!

Чол- Оппоғим, мени кечир - дебди.

Бошловчи- Улар уйига киришибди. Қизининг келгани ҳаммага маълум бўлибди. Кўни-қўшнилари йиғилишибди. Қип-қизил сандиқни очиши билан ҳамма хайрон қолибди: қизил сандиқ асл матолар билан лик тўла экан. Бу нарса ўғай онани ташвишга солибди.

Кампир- Мени қизимни ҳам ўрмонга олиб бориб, адаштириб кел!

Чол- хўп бўлади, юрақол Қиммат қизим.

Бошловчи- Қимматнинг рўпарасида бойқушлар ўтириб олиб, қоронғи, ваҳимали ўрмонлар ҳақида сайрармиш. Бу куйлар Қимматни ваҳимага солибди. У кўрқиб ўрмондан қоча бошлабди. Қоронғи тушган пайтда сеҳргар кампирнинг уйига кириб борибди. Кампир уни яхши кутиб олибди, овутибди, меҳмон қилибди. Сўнгра қизга қараб:

Кампир- Хафа бўлма, қизим, ўзим ёрдам бераман – дебди.

Бошловчи- Қиммат эртадан қора кечгача ялқовланиб ўтираверар экан. Уйни йиғиштириб, супурмас ҳам экан.

Кампир- Томдан ўтин олиб туш, қизим! – деган экан,

Қиммат- Ўзингиз олиб тушинг, мен сизга хизматкор эмасман! – дебди.

Бошловчи- Кампир жудаям хафа бўлибди, шунга қарамай қизни алдаб-сулдаб томга чиқарибди. Лекин қиз ўтин олиб тушиш ўрнига том бошида чиқиб йиғлайверибди. Кампир буни кўриб.

Кампир- Нега йиғлаяпсан, қизим? – деб сўраган экан,

Қиммат- Ер тепиниб, уйимни кўрдим, кетаман.

Кампир- Жуда яхши, сени ушлаб турганиб йўқ кетадиган бўлсанг кетавер – дебди.

Қиммат- Хо меҳмон кетаётганида совға берилмидими – дебди.

Кампир- Ер тўлага тушсанг оқ сандиқ бор шуни олақол мендан сенга совға – дебди.

Бошловчи- Қиммат сандиқни олиб чиқибди. Кейин кампир қизга бир калит берибди:

Кампир- Мана калит, сандиқни уйингга борганингда очасан, - дебди.

Бошловчи- Қиз ўша онда йиғисини ҳам унитиб, оқ сандиқни орқалаб жўнабди. Сеҳргар кампир унга арава ҳам бермабди, қиз оғир сандиқни кўтарганча уйига пиёда келибди. Қизнинг келаётганини даставвал олапар ит сезибди. У Қимматнинг онаси олдига борибди:

Ит- Вов, вов, вов, опам келаётирлар, орқаларида оқ сандиқ, илон билан лик тўла, - дебди.

Бошловчи- Кампир ғазабланиб, таёқ билан итни уриб, оёғини синдирибди.

Кампир- Менинг ақлли қизим қимматбаҳо моллар келтиради, - дебди.

Бошловчи- Қизнинг келганини кўриб кампир ўзида йўқ севинибди. Қўни-қўшнилари йиғилибди сўнг, сандиқни очмоқчи бўлишганларида онаси уларга сандиқни очишларига рухсат бермабди. Она бола сандиқни уйларига олиб куриб эшик, деразаларни қулуфлаб ярим кеча бўлишини кутиб ўтиришибди. Ярим кеча бўлгандан кейин кампир билан қиз сандиқни очишибди-ю, бирданига войдод, қутқаринглар! “войдод!” деб бақаришибди.

Сандиқда каттакон иккита аждар ётган экан. Кампир билан унинг уришқоқ қизи додлашиб, уйни гир-гир айланишибди, кўрққанларидан қулфланган эшикни очишолмабди. Икки аждар кампир билан қизини ютиб, дарчадан чиқиб кетибди.

Шундан сўнг оқ кўнгил Зумрад билан ота иккиси тинчгина яшаб, мурод мақсадларига етибдилар.

6. “Уч оғайни ботирлар” эртаги.

“Уч оғайни ботирлар” эртаги пьесаси билан таништириш ва ролларни тақсимлаш, эртақ қаҳрамонлари сўзларини ёд олиш ва уларни ифода этиш, эртақ қаҳрамонларининг овозини тақлид қилиш, сценарий бўйича эртақ қаҳрамонлари ҳаракатларини бажариш, эртақни қисмларга бўлиб саҳналаштириш, саҳна декорациясини тайёрлаш, спектаклни тўлиқ намойиш этиш.

Бошловчи-Бор эканда, йўқ экан бир замонда бир киши бор экан. Бой ҳам, камбағал ҳам эмас экан. Унинг учта ўғли бор экан. Тўнғичи йигирма бир ёшда, ўртанчаси ўн саккизда, кенжаси ўн олти ёшда экан. Отаси уларни бир куни ёнига чақирибди.

Ота-Ўғилларим, мен сизларни вояга етказдим, тарбияладим, қўрқмас ва ботир қилиб ўстирдим. Энди сизлар ўз бахтингизни топиш учун йўлга отланинглар. Сизларга учта отни эгарлатиб қўйдим, дебди.

Ўғиллари- Хўп бўлади, отажон.

Бошловчи-Уч ўғил йўлга тушибдилар. Кечаси ухлашдан олдин навбатма-навбат пойлоқчилик қилишга қарор қилишибди. Биринчи бўлиб тўнғич ўғил қолибди. У тўқайзордаги шерни ўлдирибди. Кейин навбат укаларига келибди. Улар тинчлик билан тунни ўтказишибди. Уч оғайни ботирлар йўлга тушибдилар.

Тўнғич ўғил-Энди укаларим, йўлимизда давом этсак бўлади.

Бошловчи-Улар яна йўл юришибди. Бир аждар яшайдиган маконга келишганда қоронғу тушиб қолибди.

Ўртанча ўғил-Келинглار шу ерда дам оламиз. Бугун мен пойлоқчилик қиламан.

Бошловчи-Уч оғайни ботирлар уйқуга кетишибди. Ўртанча ўғил тунда аждарни ўлдириб, терисидан тасма олиб, ҳеч нарса бўлмагандек уйқуга кетибди. Эрта тонгдла улар яна йўлга тушибдилар. Кеч тушганда бир тепаликда тунашга қарор қилишибди.

Кенжа ўғил-Бу кеча мен пойлоқчилик қиламан, акаларим, сизлар ухлашинглар мумкин.

Бошловчи-Кенжа ўғил пойлоқчилик қилган кечада чироқ ўчиб қолибди. Кенжа ботир чироқни ёқиб келиш учун чироқ қидириб кетиб, қароқчилар маконига келиб қолибди.

Кенжа ўғил-Буларни ташлаб кетолмайман, ҳозир уларга қўшилиб олман ва кейин уларни алдаб, ишимни бажараман.

Бошловчи-Кенжа ботир қароқчилар бошлиғининг олдига борибди.

Кенжа ўғил-Ассалому алайкум тақсир, мен камина кулингиз фалон шаҳардан бўламан, ёшлигимдан бери ҳеч устоз кўрмай, ўзимча майда ўғирлик қилиб юрар эдим. Сизлар ҳақингизда кўп яхши гапларни эшитганман, мени тўдаларингизга қўшиб олинглар, илтимоз.

Қароқчилар бошлиғи-Жуда яхши, бизга ҳам мана шундай ёш ўғри бола керак эди. Биз сени тўдамизга қўшамиз, муродингга етдинг ўғрича, дебди.

Бошловчи-Шундай қилиб улар кенжа ботирни сафларига қўшибдилар. Улар шу кеча подшоҳ хазинасига ўғрилиikka тушишни режалаштирган эканлар. Улар қалъага келиб, кенжа ботирга айтишибди.

Қароқчилар бошлиғи-Сен кириб, ахволни билиб чиқ. Сўнг деворнинг тепасида хабардор бўлиб тур.

Кенжа ўғил-Хўп бўлади.

Бошловчи-Кенжа ботир ўрдага кириб, бир оз вақт кутибди. Сўнг девордан бошини чиқарибди.

Кенжа ўғил-Ўрдада ҳамма ухлаган экан, ҳозир энг қулай фурсат.

Қароқчилар бошлиғи-Бирин-кетин девордан ошилин, овоз чиқарилмасин!

Бошловчи-Кенжа ботир ўрдага тушмоқчи бўлган қароқчиларни бирма-бир қиличдан ўтказиб, ўлдирибди. Сўнг ўрданинг ички томонига йўл олибди. Кенжа ўғил эҳтиёткорлик билан саройга кирибди. У ерда учта эшик бор экан. Пойлоқчиларни алдаб, улардан бирига кирибди. Саройда гўзал малика ухлаб ётган экан.

Кенжа ўғил-Сен тўнғич акамнинг бахтисан.

Бошловчи-Кенжа ўғил шундай деб қизнинг қўлидаги узугини олиб, чўнтагига солибди. Шу тариқа у ўртанча қизнинг билагузугини ҳамда кенжасининг сирғасини ечиб олибди. Тонг отган улар яна йўлга тушишибди.

Кенжа ўғил-Бу кеча жуда тинч ўтди, энди йўлга тушсак ҳам бўлади.

Бошловчи-Оға-инилар йўлга тушиб шаҳарга киришибди. Бир уйда қўним топишибди. Шунда жарчининг овозини эшитиб қолишибди.

Жарчи-Бугун кечаси номалум одам томонидан ўрданинг боғчасида йигирма кишининг боши кесилган. Ички ҳарамнинг энг нозик жойларидан бир донадан тилла буюмлар йўқолган. Бу сирли ишларни бажарган ботир ким эканлигини билиш учун подшоҳимиз элнинг ҳамма катта-кичигидан ёрдам истайди. Шаҳарнинг халқидан ундай иш қилувчи ботирлар бўлмаслигини билиб, кимнинг ховлисида четдан келган мусофирлар бўлса, улар ўрдага олиб борилсин!

Уй эгаси-Болаларим, сизлар мусофирсизлар, саройга мен билан боришингизга тўғри келади.

Ботирлар-Хўп бўлади отахон, бизни саройга бошланг!

Бошловчи-Ботирларни саройда жуда яхши кутиб олишибди. Лекин уларни бир хонага киргизиб, зиёфат беришибди. Шу тариқа вазир ва шох уларнинг суҳбатларини эшитиб турибди. Оға-инилар бошларидан кечирпганларини бир-бирларигас ўзлаб берибдилар, уларнинг ҳар бир гапини тинглаган шох олдиларига чиқиб, шундай дебди:

Шох-Сизларнинг ҳамма айтганларингиз тўғри бўлиб чиқди. Менинг сизга муҳаббатим ошди. Менинг учта қизим бор. Мен эртага бутун шаҳарни тўйга чақириб, қизларимни сизларга никоҳ қилсам, менинг ўғилларим бўлиб бшу ерда қолсангиз.

Тўнғич ботир-Хўп яхши, лекин сизга ҳам шартимиз бор. Бизлар подшоҳ боласи эмасмиз, отамиз ҳам бой эмас. Бу ерда қолсак қандай бўлар экан?

Шоҳ-Мен сизларни тарбиянгизга, зехнингизга тан бердим. Қизларимни инониб сизларга топшираман.

Бошловчи-Шундай қилиб улар қирқ кун тўй қилиб, шоҳ қизларига уйландилар. Уч оғайни ботирлар мурод-мақсадларига етибдилар.

7. Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романидан парчалар сахналаштириш.

Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романининг бўлимларини сахналаштириш учун тузилган пьеса билан таништириш ва ролларни тақсимлаш, қаҳрамонлар сўзларини ёд олиш ва уларни ифода этиш, пьеса бўйича қаҳрамонлар ҳаракатларини бажариш, қисмларга бўлиб сахналаштириш, сахна декорациясини тайёрлаш, спектаклни тўлиқ намойиш этиш.

Бошловчи-Бор эканда йўқ экан, қадим замонларда эмас, бизнинг кунларда Хошимжон Рўзиев исмли бола бўлган экан. Унинг икки синглиси бўлиб, каттасининг исми Ойша, кичигининг исми эса Донохон экан. Бир куни уни ойиси чақирибди.

Ойиси-Хошимжон.

Хошим-Лаббай ойижон.

Ойиси-Томдан ўтин ташлаб бергин.

Хошим-Хўп бўлади, ойижон.

Хошим-Ойша.

Ойша-Лаббай акажон.

Хошим- Томдан ўтин ташлаб бергин.

Ойша-Хўп бўлади акажон.

Бошловчи-Хуллас, Хошимжон шу тарзда ойисининг айтганларини бекаму-кўст бажарар экан. Бир куни ойиси Хошимжонни чақириб қолди.

Ойиси-Хошимжон, нега товукларга дон бермадинг.

Хошим-Овқатни ўзи топиб есинда, токайгача текинхўрлик қилишади.

Ойиси-Вой ўлмасам, сувам бермаганга ўхшайсан.

Хошим-Ойи товуклар сув ичмайдиган бўлиб кетган. Бир хафтадан бери сув берганим йўқ. Тухумини бир йўла порошок қилиб туғаверсин.

Бошловчи-Шу тариқа Хошимжон ойисидан дакки эшитибди. Хошимжон кўчага қочмоқчи бўлганида, ойиси унга кундалигини олиб келишини айтибди.

Хошим-Кундалигим ўқитувчимда қолган, ойи.

Ойиси-Папкангни оч деяпман. Бу нима?

Хошим-Икки.

Ойиси-Бунисичи?

Хошим-Уч.

Ойиси-Нега ёлғон гапирдинг?

Хошим-Ким ёлғон гапирибди, икковини қўшса беш бўлади, ойижон.

Ойиси-Шунақами?

Хошим-Шунақа.

Ойиси-Буниси нима?

Хошим-Бу физикадан олинган баҳо.

Ойиси-Хўш бунисига нима дейсан?

Хошим-Хеч нарса деёлмайман, лекин ойижон, икковини кўшса беш бўлади.

Ойиси-Шунақаи, сен ҳали шошмай тургин...

Бошловчи-Шундай қилиб Хошимжон кўчага қочиб кетибди. Ораларингизда Хошимжонга ўхшаш болалар бўлмаса керак, тўғрими. Агар бўлса, бу томошамиздан кейин улар ўзларига тўғри хулосалар чиқариб оладилар деган умиддамиз.

8. А.С.Пушкиннинг “Балиқчи ва олтин балиқ” эртаги.

“Балиқчи ва олтин балиқ” эртаги пьеса билан таништириш ва ролларни тақсимлаш, эртақ қаҳрамонлари сўзларини ёд олиш ва уларни ифода этиш, эртақ қаҳрамонларининг овозини тақлид қилиш, пьеса бўйича эртақ қаҳрамонлари ҳаракатларини бажариш, эртақни қисмларга бўлиб саҳналаштириш, саҳна декорациясини тайёрлаш, спектаклни тўлиқ намойиш этиш.

Бошловчи: - Бир бор экан, бир йўқ экан қадим ўтган замонда чоли кампир бор экан. Уларни денгиз бўйида яшайдиган кичкинагина кулбачаси бор экан. Бир куни кампир чолга қараб:

Кампир: - Ейишга нонимиз ичишга чойимиз ҳам йўқ, мана тешик тоғарада кир ҳам ювиб бўлмайди

Бошловчи: -деб чолни бошини оғритди, чол уф тортганича денгиз томон йўл олди. Чол битта бўлса ҳам балиқ илиниб қолар деган умидда тўрни денгизга ташлади. Бир ташлади илинмади, икки ташлади илинмади учинчи бор ташлаган эди тўрга оддий балиқ эмас нақ олтин балиқ илиниб қолибди. Чол хайрон қолиб қараб турган экан, балиқ тилга кирибди:

Олтин балиқ: - Чол бобо, мени кўйиб юбор, тила тилагингни бажо келтираман факат, мени кўйиб юбор.

Бошловчи: - чол кўйиб юборибди, уйга қайтибди, кампир чолни қуруғ қайтганини кўриб

Кампир: - нима бўлди чол деб сўрабди?

Бошловчи: - чол бўлган воқеани сўзлаб берибди. Кампир чолни қарғай кетди:

Кампир: - Эй тентак чол, гўл, девона чол! Бор, таъзим қилиб олтин балиққа, айт тоғорамни теги тешик, янгисини истайман шу он.

Бошловчи: - Чол уф тортганича денгиз томон йўл олди, сўнг чақирди олтин балиқни. Олтин балиқ сувдан чиқиб:

Олтин балиқ: - нима керак сенга, чол бобо?

Бошловчи: - Таъзим қилиб деди чол унга:

Чол: - Кампир мени уришди қаттиқ, ўжарлик қилиб менга деди у, тешик тоғора ўрнига янгисини хохлайман шу пайт.

Олтин балиқ: - Қайғурма, чол бобо, уйга боргил берурман янги тоғора.

Бошловчи: - Чол уйга қайтиб келса, кампир чолга қараб,

Кампир: - Эй чол, битта тоғара нима бўларди, бор таъзим қил олтин балиқдан уй сўра.

Бошловчи: - Чол яна денгиз томон йўл олди, сўнг чақирди олтин балиқни. Олтин балиқ сувдан чиқиб

Олтин балиқ: - нима керак сенга, чол бобо?

Бошловчи: - Таъзим қилиб деди чол унга:

Чол: - кампирни эси оғиб деди менга, уй керак.

Олтин балиқ: - Қайғурма, чол бобо, насиб қилар сенга ҳам бир уй.

Бошловчи: - Чол уй томон секин қайтар экан, эски кулбасидан асар ҳам йўқ эмиш, кулба ўрнига эман ёғочидан ясалган баланд дарвозалик уй турар, уй олдида кампир талтайиб ўтирар эмуш. Чолни қарғай кетди баттарроқ.

Кампир: - Эй тентак чол, гўл, девона чол! Келиб-келиб уй сўрадингми! Таъзим қилиб бориб айт, олтин балиққа, ортиқ деҳқон бўлишни хохламайман. Мен бегойим, бўлмоқчиман.

Бошловчи: - Чол яна денгиз томон йўл олди,(денгиз нотинч, тўлқин урмоқда) сўнг чақирди олтин балиқни. Балиқ чиқиб сўради ундан.

Олтин балиқ: - нима керак сенга, чол бобо?

Бошловчи: - Таъзим қилиб деди чол унга:

Чол: - олтин балиқ ҳолимга ачин, кампирни баттарроқ жин урди. Тинчлик бермай, кадримга етмай, қаридинг демас, дейди ортиқ деҳқон эмас бегойим бўлиш истайди.

Олтин балиқ: - Хеч қайғурма чол бобо,

Бошловчи: - Чол уй томон секин қайтар экан, не кўз билан кўрасаки, қаршисида баланд бир уй турар пеш айвон олдида кампир турармуш. Бошида тож, бўйнида дуру маржонлар эғнида қимматбаҳо матодан тикилган кўйлак, қўлларида олтин узуклар, атрофида хизматкорлари ўртасида кампир турарди.

Чол: - Салом, аслзода бегойим!

Бошловчи: - Кампир керилиб чолга қараб буюрди отхонада ишлашни. Кунлар, хафталар, ойлар ўтди. Кампир яна минди қахрга.

Кампир: - Тез бор, балиқ ёнига таъзим қилиб дегин мен ортиқ бегойим бўлмайман, мен подшоҳ хотин бўлиш истайман.

Бошловчи: - Қўрқиб кетиб чол, шундай деди:

Чол: - Эшшак мийя бўб қолибсан кампир, юриш-туриш нима – билмайсан, сенга подшолик кулги бўлдим!

Бошловчи: - Кампир баттар жахли чиқиб чол юзига тарсаки туширди.

Кампир: -Эй қора деҳқон чол, менга қандай ботиндинг бундай дейишга, мен, бегойимга-я, яхшиликча бор балиқ олдига, жўна.

Бошловчи: - Чол яна денгиз томон йўл олди, (денгиз нотинч, тўлқин урмоқда) сўнг чақирди олтин балиқни. Балиқ чиқиб сўради ундан.

Олтин балиқ: - Нима керак сенга, чол бобо?

Бошловчи: - Таъзим қилиб деди чол унга:

Чол: - Олтин балиқ ҳолимга ачин, кампир яна бошлади жанжал, бўлмас эмиш ортиқ бегойим, бўлмоқчи эркин малика!...

Бошловчи: - Олтин балиқ шундай деди:

Олтин балиқ: - Қайғурмагин чол бобо, майли кампир малика бўлсин!

Бошловчи: - Чол тез қайтди кампири ёнига, қарасаки қаршисида қаср, қаср тўрида кампир кўринди. Атрофида беклар, амирлар асл шароблардан қуйиб берарди. Бу аҳволни кўриб чол, қаттиқ кўрқиб кетди ва гапирди кампирга етти букилиб:

Чол: -Саловатли маликам, ассалому алайкум! Балким кўнглинг тўлгандур бундан!

Кампир: - Тез ҳайданг.

Бошловчи: - Беклар амирлар сакраб туриб ўрнидан чолни судраб кўчага хайдаб чиқаришди. Сал қолди, бошини танасидан жудо қилишга. Бечора чолнинг устидан ҳамма мазаҳ қилишди.

Бошловчи: - ҳафта кетидан ойлар ҳам ўтди кампир баттар минда қахрга, элчини юбориб буюрди чолни топишни. Чолни излашди, охири чолни топиб кампирни ёнига олиб келишди, кампир деди:

Кампир: - Бор ўша олтин балиқ олдига тиз чўкиб, ялингин, ортиқ малика бўлишни хохламайман, мен денгиз шоҳи бўлишни истайман, хизмат қилсин менга балиқ ҳам.

Бошловчи: - Чол яна денгиз томон йўл олди. Денгиз нотинч, шамол увиллар, тинимсиз ёмғир ёғарди.

Чол: - Подшоҳ балиқ холимга ачин, жонимга тегиб кетди бу кампир, малика бўлишни хохламас эмиш, денгиз маликаси бўлиш истаркан сен ҳам бўлар эмишсан хизматда.

Бошловчи: - Балиқ битта сўз ҳам айтмай, фақат думини сувга урдида ғойиб бўлди. Жавобини олмай шўрлик чол узоқ турди денгиз ёнида, қайтди кампирини ёнига. Қарасаки, ўзи яшаб юрган ўша кичкинагина кулбача турармиш, остонада ўтирибди кампири, тешик тоғора ҳам ёнида.

9. Ш.Пьеронинг “Золушка” эртаги.

Ш.Пьеронинг “Зоолушка” эртаги пьеса билан таништириш ва ролларни тақсимлаш, эртақ қаҳрамонлари сўзларини ёд олиш ва уларни ифода этиш, эртақ қаҳрамонларининг овозини тақлид қилиш, пьеса бўйича эртақ қаҳрамонлари ҳаракатларини бажариш, эртақни қисмларга бўлиб саҳналаштириш, саҳна декорациясини тайёрлаш, спектаклни тўлиқ намоиш этиш.

Бошловчи: -Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан, бўри бакавул экан, тулки ясувул экан, қадим ўтган замонда бир уйда Золушка ҳамда ўгай онаси ва унинг икки нафар қизи яшашар экан.

Ўгай она: -Золушка, ҳамма ерни ювиб, тозалаб, артиб қўй. Биз келгунимизча тозалаб қўйишинг керак.

Опаси: -Биз эса, опам билан биргаликда балга бориш учун либослар харид қилишга борамиз.

Золушка: -Хўп бўлади.

Ўгай она: -Мана бу ерда мош ва гуручни бир-бирига аралаштириб бераман, уларни алоҳида тартиб билан ажратиб қўй!

Бошловчи -Золушка опаларини кузатиб, ишларни бажариш учун уйга кириб кетибди. Унга кабутарлар, олмахонлар ёрдамга келишибди. Бир зумда Золушка барча ишларни саранжомлаб, тозалаб қўйибди. Қизча ҳам балга боришни жуда орзу қилибди, унга фаришта ёрдамга келибди.

Фаришта-Хафа бўлмагин қизим, сен ҳам балга борасан, мен сенга чиройли либослар ҳамда балга боришинг учун от қўшилган арава бераман.

Бошловчи -Шундай қилиб Золушка опалари ва ўғай онасига билдирмасдан балга борибди. Балда у шахзода билан рақсга тушиб, уни меҳрини қозонибди.

Шахзода-Исминг нима гўзал қиз, менга қаллиқ бўласанми?

Бошловчи -Шу онда соат миллари ўн иккига бонг урибди, Золушка шахзодани балда ташлаб, кетишга мажбур бўлибди. Зинадан тушиб кетаётганда оёқ кийими тушиб қолибди. Шахзода туфлини олиб, уни эгасини кидиришга кетибди. Золушканинг уйига келибди.

Шахзода-Салом бекам, сизни безовта қилганим учун узр сўрайман, менга қизларингизни кўрсатсангиз, уларга мана бу туфлини ўлчаб кўришим керак.

Ўғай она-Марҳамат, мана менинг бир-биридан гўзал қизларим.

Бошловчи -Шахзода туфлиларни қизларга ўлчаб кўрибди, лекин улардан бирортасига ҳам лойиқ келмабди.

Шахзода- Бу хонадонда бошқа қиз бола йўқми?

Ўғай она-Йўқ, мени фақатгина икки қизим бор.

Боғбон-Ёлғон гапиряпди, бу ерда Золушка ҳам бор, фақат у бекамнинг ўғай қизи.

Бошловчи - Шундай қилиб шахзода Золушкага оёқ кийимини ўлчаб кўрибди, туфлининг эгаси Золушка эканлиги аниқлангач, шахзода уни саройга олиб кетибди. Болажонлар, Золушка меҳнатсеварлиги, ростгўйлиги билан мурод мақсадига етибди.

10. Саҳналаштирилган спектакллар намоёишини таълим муассасаларида ташкил этиш.

Саҳналаштирилган спектакллар намоёишини таълим муассасаларида ташкил этиш. Тўғарак аъзолари томонидан саҳналаштирилган асарлар уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида таълим муассасалари тарбияланувчилари ва ўқувчилари учун намоёиш этилса мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда нафақат тўғарак аъзоларининг саҳна маҳоратлари, балки томошабин олдида ўзини тутиши, берилган образларни тўлалигича очиб бериш каби ижодий фазилатлари шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч—Т.:Маънавият, 2008 йил.
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир: Маърузалар, нутқлар, суҳбатлар. - Т.: Ўзбекистон, 1995 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тўғрисида”ги Қонунлари // Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ матбаа - нашриёти, 1997 йил.
4. Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талаблари. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 31 март “Мактабдан ташқари таълимга қўйилган Давлат талабларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 69-сонли буйруғи.
5. Ашурова М. Қўғирчоқ театр санъатининг актёрлик мактаби. Тошкент. 2007 йил.
6. Алишер Навоий. Асарлар. Т.6., Ҳайратул-аброр. Т., 1965 йил.
7. Талас. Записи кизикчи, Ўз ВАСИТИ фонди, 2-китоб, инв.
8. Сперанский Е. Актёр театра кукол. М., ВТО, 1965 йил.
9. Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. Т.: 2006 йил.

Электрон манба:

13. Ziyonet.uz.
14. Barkamol.uz.

Мундарижа

“Қўғирчоқ театри” тўғарагининг биринчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси.....	3
Кириш.	3
Қўғирчоқлар овози.	17
Ҳайвонлар овози.	18
Қўғирчоқларни ўйнатишда қўл ҳаракати.	19
“Ур тўқмоқ” эртаги.	23
Янги йил томошаларини саҳналаштириш.	25
А.Обиджоннинг “Одобли бўлиш осонми?” эртаги.	29
“Лайлак ва Тулки” ўзбек халқ эртаги.....	29
“Қўғирчоқ театри” тўғарагининг иккинчи ўқув йилига мўлжалланган ўқув қўлланмаси.....	31
Қўғирчоқлар ўйини.	31
Тўғарак аъзоларининг нутқи устида ишлаш.	31
Қўғирчоқларни ўйнатишда қўл ҳаракатлари.....	32
Пьеса билан таништириш ва ролларни тақсимлаш.	32
“Олтин тарвуз” эртаги.....	33
“Зумрад ва Қиммат” эртагининг сценарияси.	34
Ўзбек халқ эртаги асосида эртак баёни.....	34
“Уч оғайни ботирлар” эртаги.	37
Х.Тўхтабоевнинг “Сарик девни миниб” романидан парчалар саҳналаштириш.....	39
А.С.Пушкиннинг “Балиқчи ва олтин балиқ” эртаги.	40
Ш.Пьеронинг “Золушка” эртаги.	42
Саҳналаштирилган спектакллар намоёйишини таълим муассасаларида ташкил этиш.	43
Фойдаланилган адабиётлар:	44